Jonajon O'zbekistonim, mangu bo'l omon!

XXI ASR

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI HAFTALIK NASHRI

e-mail: xxi_asr@umail.uz | 2019-YIL 11-IYUL, PAYSHANBA, 27 (817)-SON | web sayt: www.21asr.uz

Суғурта бозорини ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июль куни суғурта хизматлари бозорини ривожлантириш масалалари бўйича йиғилиш ўтказди.

Суғурта хизматлари иқтисодиётни турли хил молиявий хатарлардан ҳимоя қилувчи воситалардан биридир. Бироқ мамлакатимиз молия бозорида бу хизматларнинг ўрни ҳозирча етарли эмас.

Жорий йилнинг олти ойида суғурта ташкилотлари томонидан йиғилган суғурта мукофоти ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,5 баробар ошган бўлса-да, суғурта тушуми аҳоли жон бошига 50 минг сўмдан тўғри келган.

Ушбу соҳанинг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши атиги 0,4 фоизни ташкил этмоқда. Қиёс учун, бу кўрсаткич Жанубий Кореяда 11 фоиз, Германияда 6 фоиз, Россияда 1,5 фоизни ташкил этади.

Бунинг асосий сабабларидан бири – суғурта хизматлари етарли даражада жозибадор эмаслиги. Мисол учун, ўтган олти ойда умумий суғурта тармоғида 887 миллиард сўм суғурта мукофоти йиғилган бўлса-да, ушбу даврда мижозларга тўланган суғурта қопламасининг ҳажми мукофотнинг атиги 11 фоизига тўғри келган. Дунёда эса бу кўрсаткич ўртача 50-60 фоиздир.

Йиғилишда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғурта назорати давлат инспекциясини бугунги кун талабларидан келиб чиққан ҳолда тубдан ислоҳ қилиш масаласи муҳокама этилди.

Соҳага назоратчи эмас, илғор ва замонавий стандартларни жорий этадиган, барча иштирокчилар ўртасида чинакам рақобат муҳитини яратиб, суғурта бозорини ривожлантирадиган тузилма керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Шу боис ушбу инспекцияни тугатиб, Суғурта бозорини ривожлантириш агентлиги ташкил этиш таклиф қилинди. Мутасаддиларга суғурта соҳасини ўрта ва узоқ муддатли ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш, 2022 йилгача аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғурта мукофоти ҳажмини 3 баравар, соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини эса 2 баравар ошириш вазифаси қўйилди.

Аввало, аҳоли ва тадбиркорларнинг суғуртага ишончини ошириш зарурлиги таъкидланди. Молия вазирлиги ҳамда Монополияга қарши курашиш қўмитасига суғурта даъволарини кўриб чиқиш муддатлари ва ҳужжатларини қисқартириш, суғурта ҳодисасини адолатли баҳолаш ва тўловларни тезкор тўлаш тизимини жорий қилиш вазифаси топширилди.

Суғурта ташкилотларининг инвестиция фаолиятини қўллаб-қувватлаш механизмларини кенгайтириш юзасидан топшириқлар берилди. Жумладан, суғурта компанияларининг лизинг фаолияти билан шуғулланишини рағбатлантириш ва лизинг хизматлари бўйича солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш вазифалари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқларини суғурта хизматлари билан қамраб олиш муҳимлиги қайд этилди. Молия вазирлиги ҳамда Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлигига қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини суғурталаш харажатларининг бир қисмини давлат томонидан субсидиялаш механизмларини жорий этиш бўйича кўрсатма берилди.

Миллий суғурта компанияларининг халқаро молия бозорларига чиқишини таъминлаш, илғор корпоратив бошқарув тизимини жорий қилиш орқали халқаро рейтинглар олиш бўйича ҳам аниқ вазифалар белгиланди.

Суғурта соҳасида замонавий кадрлар тайёрлаш, мутахассисларни нуфузли хорижий билим юртларида ўқитиш ва етакчи компанияларда малакасини ошириш масалаларига ҳам эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда мажбурий тиббий суғурта тизимини жорий қилиш ҳақида сўз борар экан, давлатимиз раҳбари бунга пухта тайёргарлик кўриш, тиббий хизматларнинг минимал ижтимоий пакетини шакллантириш кераклигини таъкидлади.

ЎзА

УШБУ СОНДА:

Ёзнинг бир куни қишнинг қирқ кунига тенг

Самарқанд вилояти бўйича ғалладан бўшаган майдоннинг 13 265 гектарига картошка экиш белгиланган. Аммо ҳозиргача 4 136 гектар ерга (31,2 фоиз) уруғ қадалган холос. 184 та фермер хўжалиги ерлари сомондан сарғайиб ётибди, 191 таси эса шудгорланмаган. 35 та хўжаликда белгиланганидан бошқа экинлар экилган. 3

Хирмонлари тўлди Қашқадарёнинг!

5

Қиёсдан қўрқманг – қўлингизни қисиб қолмайди

Ҳа, шундай замонлар ўтдики, қўли қадоқ, усти-боши мой тракторчи аёл – илғор механизаторни ҳаммага намуна қилиб телевизорга чиқариш мантиқсизлик экани хусусида ҳатто хаёл суриш ҳам мумкин эмасди. Бугун-чи? 5

Зоминга дуо кетган

8

Муҳокама, мунозара

Мустақил судлар адолатли қарор чиқармаса, тадбиркорлар ҳуқуқи кафолатланмайди

O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида ялпи талаб ва ялпи таклиф мутаносиблиги бузилаётгани алоҳида таъкидланган, баҳсталаб таклифлар ва очиқ мунозара руҳида ўтган ишчи гуруҳ йиғилишидан ихчам лавҳа

Вақт югурик. Дақиқа қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Кўз очиб юмгунча кунлар, ўнгу сўлимизга қарагунча эса йиллар ўтиб кетяпти. XXI асрнинг шиддатини қарангки, гўё кечагина ишониб овоз берганимиз вакиллик органлари депутатларининг ваколат муддати саноқли ойлардан кейин ниҳоясига етади. Ўзбекистонда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар натижалари навбатдаги сайловлар партиялараро кучли рақобат, юксак демократик тамойиллар асосида ўтишини англатади. Бунда, албатта, электоратга давлат ва жамиятни яқин ҳамда узоқ муддатларда ривожлантиришнинг энг мақбул йўлларини, дастурларини таклиф эта олган партиягина ғалаба қозона олади.

Бугун мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган ҳар бир сиёсий партия ана шу муҳим жараёнга жиддий ҳозирлик кўряпти, десак муболаға бўлмайди. Аввалги сайловларда парламент қуйи палатасида ҳам, маҳаллий кенгашларда ҳам кўпчилик ўринни эгаллаган Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг бу борадаги масъулият юки бошқаларга нисбатан оғирроқ тош босмоғи ойдин ҳақиқат. Зотан, етакчилик мақомини сақлаб қолиш унга эришишдан-да мураккабдир.

Куни кеча O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасида бўлиб ўтган партия дастури ва Сайловолди платформаси лойиҳасини ишлаб чиқиш бўйича ишчи гуруҳ йиғилишини кузатар эканмиз, бу галги сайловларда рақобат ўта кучли бўлишини ҳозирдан ҳис қилдик. Ўзига хос йўл харитаси вазифасини бажарадиган Сайловолди платформаси олдингилардан нимаси билан фарқ қилиши хусусидаги мулоҳазалар билан бошланган муҳокама том маънода мунозарага айланди.

Нотариат ва адвокатура институтларининг ташкилий шаклларини қайта кўриб чиқиш, хусусийлаштириш ҳамда тадбиркорлик субъектлари тамойилларига устуворлик бериш, жиноят қонунчилиги ва суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, судьялар ҳисобдорлиги масаласини кун тартибига қўйиш, солиқ имтиёзларини бекор қилиш, очиқ бозорга ўтиш ҳаракатини жадаллаштириш, монополияга йўл қўймаслик механизмларини такомиллаштириш, хусусий таълим ва тиббиётни ривожлантиришга алоҳида аҳамият қаратиш, Тадбиркорлар кунини жорий этиш, Ишбилармонлар академиясини таъсис қилиш ва ҳоказо... Булар ўртага ташланган кўплаб таклифлардан ёзиб олишга улгурганларимиз, холос.

Журналист сифатида эътиборимизни тортгани шу бўлдики, янгилик сифатида тилга олинаётган йўналишларнинг айримлари партиянинг амалдаги Сайловолди платформасида ҳам ўз аксини топган эди. Масалан, жиноят қонунчилиги ва суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш масаласини олинг. Хўш, унда нега яна шу йўналиш биринчи ўринга чиқариляпти?

Айни савол билан **O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси ўринбосари Дилшод Шоумаров**га мурожаат қилдик.

– Шундай аксиома бор: тадбиркорликка кенг йўл очилмаган, ишбилармонлар олдидаги тўсиқлар бутунлай олиб ташланмаган мамлакатнинг иқтисодиёти бақувват бўлолмайди, – дейди Д. Шоумаров. – Иқтисодиёти мустаҳкам асосга таянмаган давлатнинг халқи эса фаровон турмуш кечириши қийин. Демак, тадбиркорлик яхши ҳаёт кафолати. Бизнес тузилмаларига қулай шароит яратиш учун эса ҳали суд-ҳуқуқ тизимида қилинадиган ишлар жуда кўп. Судлар адолатли қарор чиқармаса тадбиркорлар ҳуқуқини ҳимоялаб бўлмайди. Тўғри, олдинги сайловда ҳам биз бу масалани устувор вазифа қилиб қўйганмиз ва ўтган даврда ишбилармонларга анчагина енгилликлар яратилди. Лекин бу етарли эмас. Аслида буйруқбозлик пойдеворига қурилган мазкур тизимни бир-икки йилда ўзгартириш мушкул. Шунинг учун партиямиз бу борадаги саъй-ҳаракатларни изчил давом эттиришни мақсад қилган.

Солиқ имтиёзларини бекор қилиш, энг аввало, O'zLiDeP электоратининг салмоқли қисмини ташкил этувчи тадбиркорлик субъектларига зиён келтирмасмикан? Баҳс-мунозаралар давомида мазкур саволга ҳам жавоб берилди. **O'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси котибият мудири, экспертлар гуруҳи раҳбари Нуриддин Муродов**нинг фикрича, солиқ имтиёзлари кўринган ва кўринмаган, кутилган ва кутилмаган шаклда коррупция ҳолатларига йўл очади. Коррупция эса нафақат тадбиркорлик соҳасининг, балки бутун жамият тараққиётининг кушандасидир. Шунинг учун ҳам партия барчага бирдек имконият яратиш, соғлом рақобатни кучайтириш тарафдори. Биз дунёга очиқ, ташқи инвестициялар учун жозибадор бўлган мамлакатни қураётган эканмиз, ҳар қандай имтиёзнинг бу жараёнга тўсиқ бўлишини ёдда тутишимиз зарур.

Қизиғи шундаки, йиғилиш иштирокчилари орасида бу фикрга очиқдан-очиқ қарши чиққанлар, ҳар бир фаолият самарасига муайян ҳудуднинг шарт-шароитларига қараб баҳо бериш, табақаланган мезонлар негизида айрим имтиёзларни сақлаб қолишни таклиф қилганлар ҳам бўлди. Якунда шундай хулосага келиндики, қайсидир тоифа, тармоқ ёки соҳага имтиёз бериладиган бўлса, Олий Мажлис томонидан қабул қилиниб, Солиқ кодексида акс эттирилиши керак.

Мунозарага қўшилган экспертлар ижтимоий-сиёсий ҳаётда, жумладан, таълим тизимида ялпи талаб ва ялпи таклиф мутаносиблиги бузилганини алоҳида таъкидладилар. Олий ўқув юртларининг қабул квоталари ва шартнома асосида ўқийдиган талабалар учун тўлов миқдорини мустақил белгилаши, нуфузли хорижий институтларнинг филиаллари ва хусусий университетлар очилишининг рағбатлантирилиши бу борадаги муаммоларга барҳам бериши мумкин.

Рақамли иқтисодиёт – истиқболдаги устувор йўналиш. Кейинги беш йиллик платформасини яратаётган партия эса бу жиҳатни эътибордан четда қолдириши мантиқсизликдир. Шунинг учун ҳам ишчи гуруҳ аъзолари O'zLiDePнинг рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнидаги фаол иштирокини таъминлашга қаратилган йўл харитасини ишлаб чиқишга ва кун тартибидаги барча масалаларни партия Сиёсий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтадиган йиғилишида яна бир бор чиғириқдан ўтказишга келишиб олдилар.

Биз эса кузатишда, ўқувчиларнинг, сайловчиларнинг нигоҳига тушадиган лавҳани кенгайтириш учун "хомашё" тўплашда давом этамиз.

Озод РАЖАБОВ

Шуҳрат РАҲИМОВ олган сурат.

ДИҚҚАТ, АНОНС!

"Тормоз" Тошкентда босиляпти...(ми?)!

ёхуд "Микрокредитбанк" томонидан ажратилаётган тижорат кредитларини қоплаш учун белгиланган муддат ва фоизлар миқдори энди иш бошлаётган тадбиркорлар манфаатига қай даражада мос тушяпти?

O‘zLiDeP фракциясида

Сарҳисоб

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракциясининг 2019 йил биринчи ярмидаги фаолияти юзасидан оммавий ахборот воситалари ходимларига ахборот берилди

Брифингда қайд этилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 декабрда парламентга йўллаган Мурожаатномасида Халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари ролини оширишга доир ваколатларни кенгайтириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилганди. Шунга мувофиқ фракция аъзолари иш режасини такомиллаштириш билан бирга жойлардаги вакиллик органларида мазкур масалани атрофлича муҳокама қилиш, амалий чоралар дастурини ишлаб чиқишга катта эътибор қаратишди. Шунингдек, фракциянинг “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили”да амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлари “Йўл харитаси” ишлаб чиқилиб, унда белгиланган вазифаларнинг ижроси таъминлаб борилмоқда.

Ўтган даврда O‘zLiDeP фракцияси қонун ижодкорлиги жараёнига алоҳида эътибор қаратди, 10 та қонун лойиҳаси қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида ишлаб чиқилди. “Фуқароларнинг репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Ҳукумат аъзоларининг парламент олдидаги масъулияти кучайтирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Сайлов кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги ва бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Ҳисобот даврида бир қатор вазирлик ва идоралар раҳбарларининг ахборотлари фракцияга бириктирилган қўмиталар ҳамда фракция йиғилишларида мунтазам равишда парламент назорати доирасида эшитилди. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва саноат, Молия, Инвестиция ва ташқи савдо, Халқ таълими вазирларининг ўринбосарлари, шунингдек, қатор давлат қўмиталари, Марказий банк, Қишлоқ қурилиш инвест компанияси каби ташкилотларнинг тегишли масалалар бўйича мутасаддилари ўз ахборотлари билан иштирок этишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси мажлисларида ҳар ойнинг биринчи ҳафтасида “Ҳукумат соати” ўтказилиб, давлат идоралари раҳбарлари ва вазирларнинг ахборотларини эшитиб бориш амалиёти кенг қўлланилмоқда. Хусусан, фракция ташаббуси билан парламент қуйи палатасининг мажлисида “Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни доирасида эркин иқтисодий зоналар ва кичик саноат зоналарида бизнес субъектларини жойлаштириш, уларга имтиёз ва преференциялар беришни ташкилий ва ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ҳақидаги масала юзасидан Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар ва ташқи савдо вазири С.Умурзаковнинг ахбороти эшитилди.

Фракция аъзолари ҳар ойнинг охирги ҳафтасида сайловчилар билан учрашувларни ташкил этиш амалиётидан самарали фойдаланмоқдалар. Аҳоли билан ўтказилаётган тизимли мулоқотлар натижасида ҳудудларда олиб борилаётган ишларнинг ҳақиқий ҳолатини чуқур ўрганиш, мавжуд муаммоларнинг келиб чиқиш сабабларини таҳлил қилиш ва уларни бартараф этиш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқилмоқда.

Аҳоли томонидан келиб тушган мамлакат ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётининг турли соҳаларига тааллуқли жами 3756 та мурожаатнинг 1607 таси (42,7 фоиз) жойида ҳал этилган бўлса, 1791 та мурожаат

депутатлар томонидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, 385 таси бўйича республиканинг тегишли идораларига ёзма равишда тақдим этилди.

Жорий йилнинг ўтган даврида фракция аъзолари томонидан турли вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарларига жами 163 та сўров юборилди. Бу 2017 йилга нисбатан салкам 2 ва ўтган йилга нисбатан 3 баробар кўпдир.

Бундан ташқари ҳисобот даврида фракция қабулхонасига жисмоний ва юридик шахслардан жами 100 га яқин мурожаат келиб тушган. Уларнинг асосий қисми Қонунчилик палатасининг ваколат доирасига кирмайдиган масалалар бўлганлиги сабабли тааллуқлиги бўйича тегишли давлат органларига юборилган ва ижроси назоратга олинган.

Брифинг давомида фракция фаолиятининг ОАВда ёритилиши ҳақида сўз юритилиб, амалга оширилаётган ишларни, хусусан, қабул қилинаётган қонунлар мазмун-моҳияти, уларнинг жойлардаги ижросини халқимизга тўғри ва ҳаққоний тарзда етказишда журналистлар билан ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этиши алоҳида таъкидланди.

Сайловчи ҳузурида

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова Урганч шаҳри ва Урганч туманидаги маҳаллаларда бўлиб, аҳолининг таклифларини, шунингдек, жойлардаги ижтимоий соҳа объектларининг бугунги кундаги фаолияти, маҳаллий тадбиркорлар муаммоларини атрофлича ўрганди.

Депутатнинг бўш вақти йўқ

Депутат дастлаб Урганч шаҳридаги “Машъал” ва “Ҳамжиҳатлик” маҳаллаларида яшовчилар билан очиқ мулоқот қилди. Учрашувда O‘zLiDeP Хоразм вилояти Кенгаши депутатлик гуруҳлари билан ишлаш сектори мудири, Урганч шаҳар ҳокимлиги коммунал тизими соҳаси, электр энергияси, газ, сув таъминоти масъул ходимлари иштирок этишди.

К.Жумамуратова Президентимизнинг Олий Мажлис Сенати ялпи мажлисидаги нутқида белгилаб берилган вазифалар, бунда аввало депутатлар амалий ишлари билан жойлардаги сайловчиларни ўзига эргаштира олишлари лозимлиги таъкидлангани хусусида маълумот берди.

Учрашувда маҳалла аҳли ички йўлларнинг таъмирталаблиги, ичимлик суви босимининг пастлиги, имтиёзли кредит асосида уй-жой олиш каби ўнга яқин муаммолари кун тартибига қўйишди. Уларни ҳал қилиш мақсадида депутат шу куннинг ўзида сектор раҳбари Жавлон Давлатов билан учрашиб, биргаликда чора-тадбирлари режасини ишлаб чиқишди.

Абай кўчасида истиқомат қилувчи Ражаббой Ҳусаинов биринчи гуруҳ ногирони эканлигига қарамасдан, оилавий поликлиника ходимлари вақтида келиб тиббий хизмат кўрсатмаётганини айтди. Шу каби муаммоларни жойида ўрганиш мақсадида депутат куннинг иккинчи ярмида оилавий поликлиникага бориб, муассасанинг бош шифокори ва ходимлари билан учрашди. Р. Ҳусаиновнинг муаммоси ижобий ҳал қилинди.

Урганч шаҳридаги “Темир йўлчи” ва “Камолот” маҳалла фуқаролар йиғиларида ҳам қатор муаммолар ўрганилиб, депутатлик назоратига олинди. Жумладан, Хонқа кўчасида истиқомат қилувчи Анабиби Бобожанова ўзи яшаётган кўп қаватли уй олдидан ўтувчи сув қувурлари ёрилиб кетгани ва оби-ҳаёт беҳуда исроф бўлаётгани юзасидан мурожаат қилди. Учрашувдан сўнг партия масъуллари жойига бориб муаммони ўргандилар ва шаҳардаги тегишли ташкилотлар томонидан нуқсон бартараф қилинди.

– Мамлакатимизни янгилаш ва модернизация қилиш, жамиятимизнинг барча жабҳаларини эркинлаштириш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва турмуш тарзини янада яхшилаш, Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини юксалтириш билан боғлиқ ғоят долзарб бўлган вазифаларни бажаришда, чекка ҳудудларда ёшлар ва хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, аҳолини томорқадан самарали фойдаланишга ўргатиш, якка тадбиркор, оилавий тадбиркорлар сонини сифат жиҳатдан ошириш, халқимизнинг даромадлари кўпайиши ва дастурхони бутунлигини таъминлашда биз депутатлар ва партия ходимларига катта масъулият юкланган, – дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси Клара Жумамуратова. – Ҳар ойда ўз округимга келиб, сайловчилар билан учрашганда ана шу каби муҳим вазифаларимни сидқидилдан бажаришга ҳаракат қиламан. Ўтган ойда аниқланган муаммоларнинг қандай ҳал қилинганини қайта ўрганаман. Бу эса, ўз навбатида, мурожаатларнинг бирортаси депутат назаридан четда қолмаслиги таъминлайди.

Нилуфар ЖАББОРОВА,
O‘zLiDeP Хоразм вилоят Кенгаши матбуот котиби

Нурсейтовнинг сўрови туфайли йўл таъмирланди

молия муассасасининг кредити эвазига Оролбўйида страуслар парвариш қилинмоқда

Халқ депутатлари Тахтакўпир туман Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзоси И. Нурсейтов сайловчилар мурожаатларини ижобий ҳал этиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда. Жумладан, “Даўир” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудидаги ички йўллар депутатнинг сўрови натижасида таъмирланди. Бунинг учун мутасадди ташкилотлар томонидан жами 205 миллион сўм миқдорида маблағ сарфланди.

Бундан ташқари, партиямиз фаоли, “Илҳом Айнура” масъулияти чекланган жамияти раҳбари Илҳом Махсетбаевнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида банкдан кредит олишда кўмаклашиш бўйича йўллаган мурожаати ҳам халқ ноиби томонидан ижобий ҳал қилинди.

– “Агро банк”нинг туман филиалидан “Ҳар бир оила - тадбиркор” Давлат дастури асосида 30 миллион сўм кредит олдим. Эндиликда ҳар бирининг оғирлиги 8-9 кг. салмоқдаги 10 дона страус жўжаларини парвариш қиляпмиз, – дейди И. Махсетбаев.

Бу жўжалар озуқани танлаб ейди, кўпроқ сув ичади. Бир йилдан сўнг тухум қўяди. Ҳар бир тухум баҳоси ўртача 800 минг сўмдан сотилади. Бир ойлик жўжанинг баҳоси эса 2 миллион сўмдан ошади. 3-4 ойлигини ҳатто 5 миллион сўм атрофида сотиш мумкин. Страуснинг гўшти инсон саломатлиги учун фойдали. Тез ҳазм бўлади, витаминларга бой, қандли диабетга даво.

O‘zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши матбуот хизмати

Депутат минбари

Яна бир янги қонун кучга кирди

ёхуд давлат-хусусий шериклик муносабатларининг ҳуқуқий асослари хусусида

Мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш, қулай инвестицион муҳит яратиш, бизнес вакилларини қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар фаол ишбилармонлар синфини шакллантиришга кўмаклашмоқда. Бунда мутлақо янги ва самарали, шиддатли давр талабларига тўлиқ жавоб берадиган институционал асосларни амалиётга тадбиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ана шундай замонавий институтлардан бири сифатида давлат-хусусий шериклик муносабатларини келтириш мумкин. Мазкур тамойил бугунги кунда кўплаб ривожланган давлатларда ижтимоий-иқтисодий соҳаларда кенг қўлланилиб, ижобий самара бермоқда. Давлат-хусусий шериклик муносабатлари давлат монополияси сақланиб қолган коммунал тизим, шаҳарсозлик ва ободонлаштириш, йўл хўжалиги, энергетика ва бошқа соҳаларда фойдаланилиши мумкин. Айрим мамлакатлар қонунчилигида бу тартиб ҳатто жазони ижро этиш муассасаларига ҳам татбиқ этилиши белгиланган.

Давлат-хусусий шериклик муносабатлари инвестициялар кўпайишига, тадбиркорлик фаолияти кўлами кенгайишига, илғор бошқарув тажрибаси жорий қилинишига ва замонавий инфратузилма яратилишига хизмат қилади. Бу эса жамиятдаги кўплаб муаммоларни ўзаро манфаатли шароитларда тезкорлик билан самарали ҳал этиш баробарида бюджет харажатларининг тежалишида муҳим ўрин тутади.

Ҳозирга қадар мамлакатимизда соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари бўйича давлат-хусусий шериклик муносабатларини тартибга солишга оид 10 га яқин ҳужжатлар қабул қилиниб, амалиётга татбиқ этилмоқда. Шу маънода, “Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”ги қонун қабул қилиниши соҳадаги ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Уни Олий Мажлис Қонунчилик палатасида кўриб чиқишда амалиётда тўғридан-тўғри ишлашини таъминлайдиган нормалар билан бойитишга алоҳида эътибор қаратилди. Ҳужжатни маромига етказишда 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг бу борадаги энг илғор тажрибалари инобатга олинди. Қонун 2019 йил 11 июндан кучга кирди.

Қонунга мувофиқ тадбиркорлик субъектлари давлат органлари билан ўзаро тенглик, давлат-хусусий шерикликни амалга оширишдаги қоидалар ва тартиб-таомилларнинг шаффофлиги, хусусий шерикни танлашдаги баҳслашув ва холислик, камситиш ва коррупцияга йўл қўймаслик каби принциплар асосида фаолиятини амалга оширишлари мумкин бўлади. Қонунда Ўзбекистон Республикасининг барқарор ривожланишини таъминлаш, давлат хизматлари сифатини яхшилаш ва улардан эркин фойдаланишни кенгайтириш белгиланиб, давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш шартлари ва тартиби келтирилган. Жумладан, қонунга мувофиқ давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимнинг амал қилиш муддати 49 йилни ташкил этади.

Қонунда хусусий шерик тендер ёки тўғридан-тўғри музокаралар асосида саралаб олиниши назарда тутилган. Бунда бир босқичли ва икки босқичли тендер ўтказиш тартиби мавжуд. Умумий қиймати бир миллион АҚШ долларига қадар бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича бир босқичли, умумий қиймати бир миллион АҚШ долларидан ортиқ бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари бўйича эса икки босқичли тендер ўтказилади.

Қонунда, шунингдек, ер участкасини ажратишда соддалаштирилган тартиблар қўлланилиши назарда тутилган. Жумладан, давлат-хусусий шериклик объекти жойлашган ва (ёки) давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутилган фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган ер участкаси хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда белгиланадиган муддатга берилади. Бунда ер участкаси хусусий шерикка давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим бўйича ўз мажбуриятларини бажариш учун шартнома асосида танлов ўтказмасдан берилади.

Хусусий шерик ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш мақсадида қонунда агар Ўзбекистон Республикасининг кейинги қонун ҳужжатлари давлат-хусусий шериклик объектига инвестиция киритиш шартларини ёмонлаштирса, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган санадан эътиборан ўн йил мобайнида хусусий шерикка нисбатан битимни тузиш санасида амалда бўлган қонун ҳужжатлари қўлланилиши белгиланди.

Хусусий шерик Ўзбекистон Республикаси янги қонун ҳужжатларининг давлат-хусусий шериклик объектига инвестиция киритиш шартларини яхшилайдиган қоидаларини ўз хоҳишига кўра қўллаш ҳуқуқига эга бўлди.

Қонунни қабул қилиш билан бирга унинг ижросини назорат қилиш, амалиётга тўғри тадбиқ этилишини таъминлаш муҳим жараён ҳисобланади, албатта. Шу мақсадда мазкур қонуннинг ишлаб чиқилиши ва мониторинги учун масъул бўлган Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитасида фаолият кўрсатаётган депутатлар томонидан Молия вазирлиги ҳузуридаги Давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш агентлиги, бошқа вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда республиканинг барча вилоятларида семинарлар ўтказилиб, оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилди.

Тадбирларда тадбиркорлик субъектларига янги қонун мазмун-моҳиятини тушунтириш билан бирга уларнинг давлат-хусусий шериклик муносабатлари соҳасидаги мулоҳазалари ҳам ўрганилди. Кўтарилган масалаларнинг аксарияти ваколатли давлат органлари томонидан лойиҳалар муддатида кўриб чиқилмаётганлиги, имтиёзли кредит маблағлари билан таъминлаш кечиктирилаётганлиги, гаров таъминоти етишмаётганлиги, ер участкалари ажратиш ва бошқаларни ташкил қилади.

Бегзод АРТИКОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги O‘zLiDeP фракцияси аъзоси

Ғалладан бўшаган ерни бўш қўйманг

Кейинги йилларда республика бўйича паст рентабелли, сув таъминоти оғир бўлган 152,4 минг гектар пахта ва ғалла майдонлари қисқартирилди. Улар ўрнига сабзавот, полиз, мойли ва озуқа экинлар экилиши ҳамда интенсив мевали боғ ва токзорлар ташкил этилиши ҳисобига мамлакат аҳолисининг озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи қондирилиб, бозорларда нарх-наво барқарорлиги таъминланмоқда.

Бироқ сабзавот, полиз ва дуккакли экинларни ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароитлари, сув таъминоти, ташқи бозорнинг маҳсулот тури ва етказиб бериш муддатларига бўлган талаблари асосида жойлаштиришга эътибор қаратилмаяпти. Илмий асосланган инновацион технологияларни кенг жорий этиш, илмий-тадқиқот муассасаларида серҳосил, экспортбоп сабзавот ва полиз экинларининг янги навларини яратиш, илғор хорижий тажрибани амалиётга татбиқ этиш бўйича етарли ишлар олиб борилмаяпти. Мева-сабзавот маҳсулотларини етиштирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари моддий ресурслар, жумладан, минерал ўғитлар, ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари ва кимёвий воситалар билан ўз вақтида ва етарли даражада таъминланмаяпти.

Бу эса соҳада иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва экспорт ҳажмини янада оширишни тақозо этади. Шу боис сабзавот, картошка, полиз, дуккакли, мойли ва озуқа экинларини оқилона жойлаштириш, интенсив мевали боғ-токзорлар ташкил этишга илмий-инновацион ёндашув механизмларини жорий қилиш, тупроқ унумдорлигини ошириш, мавжуд ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш ҳамда маҳсулот етиштирувчиларнинг иқтисодий ва молиявий барқарорлигини таъминлаш бу борадаги муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Айни муаммоларни бартараф этиш ва қишлоқ хўжалигида юқори натижаларга эришиш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг "2019 йил ҳосили учун қишлоқ хўжалиги экинларини оқилона жойлаштириш ва маҳсулот етиштиришнинг прогноз ҳажмлари тўғрисида"ги (2019 йил 29 мартдаги 259-сонли) қарори қабул қилиниб, уни бажаришга алоқадор мутасадди идоралар зиммасига тегишли топшириқлар юкланган эди. Қарор ижросига масъул идоралардан бири – Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши айни кунларда Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, бир қатор вазирлик, ҳокимлик вакиллари билан ҳамкорликда ғалладан бўшаган ерларга такрорий экин экиш ишлари қай тарзда амалга оширилаётганини ўрганмоқда.

СИРДАРЁ

Ютуқлар-ку бор, камчиликлар-чи?

Вилоятда 1 992 та фермер хўжаликларининг ғалладан бўшайдиган 83 350 гектар ер майдонига такрорий экинлар экиш ва маҳсулот етиштириш белгиланган эди. Бироқ ҳозирда майдонларнинг вилоят бўйича умумий ҳисобда 58 фоизигагина такрорий экин қадалган. Жумладан, бу кўрсаткич Мирзаобод туманида 62 фоиз, Сирдарё туманида 61 фоиз, Сардоба ва Сайхунободда 59 фоиз, Гулистон, Оқ олтинда 58, Ховосда 56, Боёвутда эса 56 фоизни кўрсатади.

Сирдарё туманида бу йил 10 минг гектар ерга буғдойнинг "Краснодар – 99", "Чиллаки", "Бобур" каби 16 хил серҳосил нави экилган эди. Натижада ҳар гектардан 56 центнердан ҳосил олиниб, шартнома режаси 116 фоизга уддаланди.

Туман ҳокимлигининг қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича бўлим мудири Жаҳонгир Гаппаровнинг эътироф этишича, ғалладан бўшаган майдонларга мош, ловия, нўхат, тариқ экилаётган экан.

– Дуккакли экинларни, айниқса мош экишда сочма усулдан фойдаланяпмиз, – дейди Жаҳонгир Гаппаров. – Сув танқис ерларда бу усул яхши самара беради. 1 гектар ердан ўз намига ундириб олинган уруғдан 20 центнергача ҳосил олиш мумкин. Янги ҳаёт, Истиқлол, Ҳамза СИУларидаги энг серҳосил 18 гектар ер 27 та кам таъминланган оилага экин экиб, даромад олишлари учун бўлиб берилди. 4 та фермер хўжалиги эса тариқни айнан экспорт мақсадида экди. Масалан Испанияда бу маҳсулотга талаб юқори, чунки улар бундан мой ишлаб чиқаришади.

Қайта ишлаш вилоятнинг ўзида

Тадбиркор Фарҳод Тўраев Ёшлик маҳалла аҳли етиштирган дуккакли маҳсулотларни қабул қилиш ва унинг экспортини йўлга қўйиш мақсадида "Sirdaryo bens" – маҳсулотни қайта ишлаш корхонасини йўлга қўйганди. 2017 йилда 2,5 минг тонна, 2018 йилда 3,5 минг тонна маҳсулотни Хитой, Эрон, Ҳиндистон, Польшага экспорт қилди. Бу йил эса 5 минг тонна маҳсулот етказиб бериш бўйича хитойлик ҳамкорлар билан шартнома имзолаган.

Айни пайтда унинг ташаббуси билан Сайхунобод туманида Туркия технологияси асосида 1 гектар майдонда дуккакли экинларни қайта ишлаш корхонаси қурилиши авжида. М-34 автомагистраль йўлида қурилаётган бу маскан вилоят деҳқонлари етиштирган дуккакли маҳсулотларни йиғиштириб олиб четга сотади.

– Корхонани мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида ишга туширмоқчимиз, – дейди ишбилармон Ф. Тўраев. – Мажмуага 250 минг долларлик замонавий дастгоҳлар ўрнатилади. Маҳсулотлар буюртмачи талабига кўра махсус қопчаларга 8, 15 ва 25 килограммгача қадоқланади.

195 нафар фермер ухлаяпти, ерлари эса...

Ишчи гуруҳ ўрганишлар жараёнида ютуқлар билан бир қаторда камчиликларга ҳам гувоҳ бўлди. Вилоятдаги 195 та фермер хўжалиги ғалладан бўшаган майдонларга такрорий экинлар экмаган – 70 та хўжаликда майдон сомондан тозаланмаган, 125 тасида шудгорлаш ишлари бошланмаган! Сирдарё ва Сайхунобод туманида 30 та, Ховосда 48 та, Гулистонда 26 та, Оқ олтиндаги 18 та фермер хўжаликларида бу борада сусткашликка йўл қўйилган. Боёвут, Сайхунобод, Сардоба, Оқ олтин ва Гулистон туманларидаги баъзи хўжаликлар эса Вазирлар Маҳкамаси ҳамда вилоят, туман ҳокимларининг қарорларида белгиланган экинларни эмас, бошқаларини экишган. Бундан ташқари қайта ишлаш, тайёрлов ва экспорт қилувчи ташкилотлар билан фьючерс шартномаларини тузиш ва хўжаликларга бўнакни тўлаб бериш бўйича ҳам масъулиятсизликка йўл қўйилган. Бу камчиликларни бартараф этишни мутасадди раҳбарлар назоратга олишди.

Яна бир мисол. Вилоятда 750 гектар майдонга картошка экиш белгиланган бўлса-да, бу топшириқ 11 фоизга бажарилган, холос. 5 300 гектар ерга шоли экиш режалаштирилганига қарамай, 4 100 гектарига экилган. Ҳозирда шолини экиш муддати ўтиб кетгани боис қолганига мош, тариқ ва гречка экиш белгиланди.

Ўрганиш якунларига кўра вилоятда ва барча туманларида такрорий экинлар эктириш штаби йўлга қўйилди.

ЖИЗЗАХ

Такрорий экин – қўшимча даромад

Пахтакор туманининг "Бўстон" фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмаси ҳудудида жами 13 та фермер хўжалиги фаолият юритади. Ушбу ҳудуддаги мавжуд 749 гектар ғалла майдонидан жорий йилда эл хирмонига 2 848 тонна ғалла етказилди. Диққатга сазовор жиҳати, уюшма аъзолари вилоятда биринчи бўлиб ғалла режасини бажарди. Айни пайтда ғалладан бўшаган майдонларга такорий экин экиш авж паллада. 80 фоиз дуккакли, 20 фоиз полиз экинлари экиш режалаштирилган.

– Хўжалигимизнинг 54 гектар ғалла майдони бўлиб, такрорий экин сифатида 8 гектарига тарвуз, 46 гектарга мош экдик, – дейди "Давонсой" фермер хўжалиги раҳбари Абдусаид Алматов. – Мошнинг ҳар бир гектаридан ўртача 1 500 килограммгача ҳосил олишни мақсад қилганмиз. Бу ҳам бизга қўшимча даромад. 10 нафар ишчимизга ҳам 1 гектардан ер ажратиб, шудгорлаб бердик.

Томорқа хизмати ёрдамга тайёр!

Ишчи гуруҳ Пахтакор туманидаги "Оқбулоқ" фермер хўжаликлари ҳудудий уюшмасига қарашли "Томорқа хизмати" МЧЖ фаолиятини ҳам яқиндан ўрганди.

– Томорқачилар ва фермер хўжаликларига хизмат кўрсатиш мақсадида ўтган йилдан хизматни йўлга қўйдик, – дейди мазкур жамият раҳбари Бахтиёр Очилов. – Бизга тегишли 30 гектар майдонга қовун ва тарвуз, сабзавотлар экканмиз. Ҳозирда ғалладан бўшаган майдонларга асосан мош экиляпти. Шу сабабли, зарур уруғликларни талабга қараб етказиб беряпмиз. Жорий йилда 2 500 туп мевали кўчат, 30 минг дона 20 турдаги сабзавот кўчатини аҳолига бепул тарқатдик. Айни пайтда 10 гектар ерга экилган қовун пишиб етилган, ички ва ташқи бозорларга етказяпмиз.

Ушбу томорқа хизмати моддий-техника таъминотини янада мустаҳкамлаш мақсадида Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши ҳузурида ташкил этилган жамғарма ҳисобидан 500 миллион сўм кредит маблағи олди. Эвазига ўз фаолиятини янада кенгайтириб, аҳоли томорқалари ва фермер хўжаликларига агротехник тадбирларни ташкил қилишда яқиндан кўмакчи бўлишни мақсад қилган.

Афсуски, яратилган бу имкониятлардан барча унумли фойдаланишга ҳаракат қилаяпти, деб бўлмайди. Ўрганишлар давомида ишчи гуруҳ айрим фермер хўжаликларида ҳанузгача ер сомондан тозаланган бўлса-да, такрорий экин экилмаётганига, ернинг умри ўтказилиб юборилаётганига гувоҳ бўлишди. Тумандаги "Замин чўққиси" фермер хўжалигининг 15 гектар, "Я. З. Бекзод" фермер хўжалигининг 40 гектар, "Оқпахта бойлиги" фермер хўжалигининг 20 гектар ер майдони ана шундай аҳволда. Гарчи, бир қатор сабаблар рўкач қилинаётган бўлса ҳам мазкур фермер хўжаликларида такрорий экин экиш кечикаётганини мазкур масалага етарлича эътибор қаратилмаётгани билан изоҳлаш мумкин.

Унутмаслик керакки, эътиборсизлик аввало инсоннинг ўзига қимматга тушади. Ердан оқилона ва ўз вақтида унумли фойдаланганлар эса ўзининг ҳам, элнинг ҳам тўкинлигига ҳисса қўшадилар.

САМАРҚАНД

Ёзнинг бир куни қишнинг қирқ кунига тенг

Дарҳақиқат, бу ҳикмат бежиз айтилмаган, унинг маъносини ҳам шарҳлашга ҳожат йўқ. Муҳими, фаровонликни истаган одам бугунги ишни эртага қўймайди.

Жорий йилда вилоятнинг Самарқанд туманидаги 632 фермер хўжалигининг 274 тасига тегишли 3 340 гектар майдонда ғалла етиштирилган. Айни пайтда ҳосил ўриб-йиғиб олинган ерларни сомондан тозалаш, пешма-пеш шудгорлаш ва экин экиш учун тайёрлаш ишлари олиб борилмоқда.

– Ғалладан бўшаган ерларнинг 2 884 гектарига такрорий экин экиш режалаштирилган, – дейди Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Самарқанд тумани кенгаши раиси Усмон Хуррамов. – Жумладан, бу майдонларнинг катта қисмига картошка ва бошқа сабзавот экинлари, 141 гектарга дуккакли экин экиш давом этмоқда. Керакли миқдорда уруғлик, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш материаллари захираси яратилган.

Тумандаги 1 247 хонадон эгалари ғалладан бўшаган ерларда такрорий экин экиш учун фермерлардан ер сўраган ва уларга тегишли тартибда 457 гектар ер майдони ажратиб берилган. Шунингдек, кам таъминланган, эҳтиёжманд 112 оилага деҳқончилик қилиб, даромад олиши учун 361 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилган.

– Бу йил 3,2 гектар майдонда ғалла етиштириб, 44 центнердан ҳосил олдик, – дейди Самарқанд туманидаги "Жаҳонгир Барноев" фермер хўжалиги бошлиғи Ж. Барноев. – Ҳозирда карам ва бодринг экиб, қолганини картошка учун тайёрлаб қўйдик.

Совутгичли омборлар кўпаяди

Тумандаги дуккакли ва полиз экинлари, мева-сабзавотларни қабул қилиш, сақлаш ва экспорт қилиш мақсадида "Аъзам Азамат Агро" кўп тармоқли фермер хўжалигида 500 тонна, "Истиқлол шуъласи" фермер хўжалигида 300 тонна ҳамда "Турсунов Асрорхон боғлари" фермер хўжалигида 200 тонна сиғимга эга совутгичли омборлар ташкил этилган.

Ишчи гуруҳ Тойлоқ туманида бу борада ишлар яхши ташкил этилганига гувоҳ бўлди. Ҳудуддаги бошоқли дондан бўшаган 5 275 гектар майдоннинг 60 фоизи картошка ва дуккакли экинлар экиш учун ҳозирланиб, ерга уруғ қадалмоқда.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари Тойлоқ тумани кенгаши раиси Ғайрат Кулиевнинг айтишича, барча зарур техникалар 19 та отрядга жамланиб, агротехник тадбирлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Ҳар қадамда бир хато

Вилоят бўйича ғалладан бўшаган майдоннинг 13 265 гектарига картошка экиш белгиланган. Аммо ҳозиргача 4 136 гектар ерга (31,2 фоиз) уруғ қадалган холос. 184 та фермер хўжалиги ерлари сомондан сарғайиб ётибди, 191 таси эса шудгорланмаган. 35 та хўжаликда эса белгиланганидан бошқа экинлар экилган. Булунғур, Жомбой, Тойлоқ ва Ургут туманларида такрорий экинлар экиш ишлари кечикмоқда...

Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан мутасадди ташкилотлар ва секторлар раҳбарларига кўрсатма хатлар юборилди. Ўйлаймизки, бу уларга айни ва келгусида ўз ишларига масъулият билан ёндошишларида ўз таъсири кўрсатади.

Республика ишчи гуруҳининг ўрганишлари давом этади.

Саҳифани "XXI asr" мухбирлари Нурхон ЭЛМИРЗАЕВА, Баҳром МИРЗАҚОБИЛОВ, O'zLiDeP Матбуот хизмати раҳбари Элмурод ПАНЖИЕВ, партия Сирдарё вилоят Кенгаши матбуот котиби Дилором ЭСОНОВА тайёрлади.

Йиллар давомида йиғилган муаммо бир кунда ҳал бўлганида эди...

Маълумки, газетамиз саҳифаларида O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия ҳудудий ташкилотлари ходимлари, депутатлар, БПТ етакчиларидан ташкил топган ишчи гуруҳларининг вилоятларда олиб борган қизғин фаолияти мунтазам ёритиляпти

НАМАНГАН

881 та масалага ечим топилди

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ва партия Наманган вилоят, туман, шаҳар кенгашлари масъул ходимлари, депутатлардан ташкил топган ишчи гуруҳлари аъзолари вилоятдаги 4 минг 800 та хонадонда бўлиб, аҳолининг яшаш шароити, тадбиркор ва фермерлар фаолияти билан яқиндан танишиб чиқдилар.

Аҳоли, хусусан, тадбиркорлар, фермерлар ва деҳқон хўжаликлари раҳбарларини қийнаб келаётган 100 дан ортиқ муаммо жойида бартараф этилди. Ҳар бир туман ва шаҳардаги 20 тадан корхона, ташкилот,

тадбиркорлик субъектлари, фермер хўжаликлари фаолияти ўрганилиб, аниқланган камчилик ва нуқсонлар ҳамда қонунбузилишлар тўғрисида мутасадди идораларга депутатлик сўровлари киритилди.

Уйма-уй юриш асносида партиямиз вакиллари турли соҳаларга тааллуқли 2586 та масалани қайд этдилар. Ишчи гуруҳлар одамларни асосан нималар ташвишга солаётгани борасида муайян хулосалар чиқарди. Газ, электр, ичимлик суви таъминоти билан боғлиқ 1009 та, ички йўллар таъмирталаблигига тегишли 465 та, бандлик бўйича 106 та, банк кредити олиш ва тадбиркорлик фаолиятида учраётган 316 та, тиббий хизматга доир 85 та муаммо ҳисобга олинди. Эътиборлиси, 881 та масала ишчи гуруҳлари саъй-ҳаракатлари туфайли ечимини топди. Қолганларини ҳал қилиш юзасидан депутатлик назорати йўлга қўйилди.

– Кўчамиздаги 87 та хонадонда 508 нафар фуқаро яшайди, – дейди Чуст туманидаги “Шербилак” МФЙга қарашли Наврўз кўчасида истиқомат қилувчи Жабборхон Нодиров. – Ичимлик суви танқислигидан жуда қийналяпмиз. Устига-устак, оқар сув ҳам деярли йўқ. Ариқларимизга баҳор ойларида 1-2 маротаба сув келади, холос. Томорқалардаги ернинг умри беҳуда ўтяпти. “Халқ қабулхонаси”га икки бора мурожаат қилдик, бироқ натижа бўлмади.

Тилга олинган кўчада яшовчи 4 нафар кишига уй-жой қуриш учун ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори чиққанига тўрт йилдан ошган. Аммо уларга ҳануз ер берилгани йўқ. Бундан ташқари, Шербилак маҳалласида яшовчи 8 фуқаро Ўзбекистон Республикаси фуқаролигини олиш масаласида талай мушкулотларга дуч келяптилар.

Мазкур муаммолар юзасидан туман Кенгашидаги O‘zLiDeP депутатлик гуруҳи аъзолари тегишли идораларга депутатлик сўрови йўлладилар.

Ишчи гуруҳлар партия дастурий ғоя ва мақсадларини, юртимизда кечаётган туб ислоҳотлар моҳиятини тарғиб қилиш мақсадида кўплаб хусусий корхоналар, уюшма ва бирлашмалар, хўжаликларда ҳам бўлдилар. Суҳбатлар чоғида электоратимиз вакиллари нафақат айрим муаммоларни баён қилдилар, балки уларнинг ечими бўйича ҳам таклиф-мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

“Наманганбалиқсаноат” МЧЖ раҳбари Равшан Абдуллаевнинг айтишича, соҳада малакали мутахассисларнинг етишмовчилиги тобора кучлироқ сезиляпти. Айниқса, балиқчиликни интенсив шаклда ташкил қилиш бўйича қарийб ҳеч қандай тажриба йўқ. Анъанавий усулларда фаолият юритадиган балиқчилик хўжаликлари эса мавжуд имкониятлардан тўла фойдалана олмаяптилар. Унинг фикрига кўра, аҳволни ўнглаш учун балиқчиликка ихтисослашган хўжаликлар раҳбарлари, ишчи-хизматчиларини мазкур соҳа ривожланган Япония, Вьетнам, Хитой, Жанубий Корея сингари давлатларга сафарга жўнатиш лозим. Улар бу мамлакатлардан илғор технологияларни ўрганиб қайтадилар. Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши, Савдо-саноат палатаси ва “Ўзбалиқсаноат” уюшмаси ана шу ишларга бош-қош бўлишлари мақсадга мувофиқ. Яна бир масала. Бугунги кунда балиқчилик хўжаликларига банклар томонидан юқори фоизли кредитлар ажратиляптики, бу соҳа ривожига хизмат қилмайди, албатта. Балиқчилик билан шуғулланувчиларга имтиёзли шартларда сармоялар берилишига эришиш лозим. Зеро, бу соҳа, айниқса, замонавий интенсив услублар катта маблағларни талаб қилади. Соҳанинг жадал ривожланишига халақит бераётган омиллардан яна бири шуки, ҳозирда республикамизда буғдой очиқ биржа савдолари орқали сотиляпти. Бу эса ем нархининг қимматлашишига ва ўз навбатида балиқ маҳсулотлари нархининг ҳам ошишига олиб келяпти. Буғдойнинг муайян қисмини ем ишлаб чиқарувчиларга давлат томонидан арзонлаштирилган нархларда сотилиши муаммонинг энг мақбул ечимидир.

“Наманган чорва насл маркази” корхонаси бошлиғи Комилжон Холиқов ҳам чорвачилик, наслчилик соҳасини такомиллаштиришга доир асосли таклифларини билдирди. Мамлакатимизда чет давлатлардан қорамол олиб келинишига кўмаклашувчи логистика марказларини барпо қилиш, чорвачилик бўйича етук мутахассислар тайёрловчи ўқув масканлари очиш шулар жумласидандир.

Ишчи гуруҳлари ана шу ва бошқа таклифларни жамлаб, парламент қуйи палатасидаги фракциямизга тақдим этиш борасида иш олиб боряптилар.

– Қишлоқлардаги ҳар бир оиланинг ўртача 10 сотиҳдан томорқаси бор, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, партия Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходими Севара Муслимова. – Лекин ҳанузгача айрим хонадонларда деҳқончилик маданияти оқсаётгани ғоятда ачинарлидир. Баъзилар бўш томорқаси бўла туриб, бозордаги сотувчининг қўлига қараб яшаяпти. Томорқа эгалари замон талабига янгича ёндашиши, рўзғори ободлигини таъминлаши, оилавий қўшимча даромад манбаини шакллантириши, фарзандлари келажаги йўлида саъй-ҳаракатлар қилиши зарур. Шундан келиб чиқиб, биз ҳар бир туманда энг намунали томорқа ва кўп тармоқли фермер хўжаликлари соҳиблари билан учрашувлар ташкил этдик. Бундай мулоқотларда томорқа хўжалигини юритишни мақсад қилган одамлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб топишди.

Шу билан бирга ишчи гуруҳлар томонидан партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари фаолияти танқидий йўсинда кўриб чиқилди. Партия маҳаллий кенгашларининг моддий-техник аҳволини яхшилаш, партия аъзолари сафини кенгайтириш, бошланғич партия ташкилотлари сонини кўпайтириш, уларни тарғибот материаллари билан таъминлаш, O‘zLiDeP депутатлик гуруҳлари фаоллигини ошириш борасида қилинаётган ишлар атрофлича ўрганилди. Шу масалаларга бағишланган йиғилишлар ўтказилиб, партия фаолларининг таклифлари асосида бажарилиши зарур вазифалар белгилаб олинди.

ФАРҒОНА

O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ҳамда партия Фарғона вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари, депутатлар, бошланғич партия ташкилотлари етакчиларидан ташкил топган ишчи гуруҳлар томонидан ҳудуддаги 6708 та хонадонда ўрганишлар олиб борилиб, турли йўналишлардаги 2532 та муаммо аниқланди. Уларнинг 1610 таси тегишли ташкилотлар ва депутатлар ёрдамида ўша ернинг ўзида ҳал этилди.

Одамларни рози қилиш осон эмас

Партиямиз вакиллари саъй-ҳаракатлари туфайли “Миллий банк”нинг Фарғона шаҳар филиали билан шартнома тузилиб, Зоҳиджон Ҳакимов раҳбарлигидаги “Қувончбек Зоҳиджон фермаси” МЧЖ томонидан Фарғона шаҳри “Бешбола” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи етти оилага “Ҳар бир оила – тадбиркор” Давлат дастури доирасида қўй парваришини йўлга қўйишларига кўмаклашилди.

– Бир ой муқаддам O‘zLiDeP Фарғона шаҳар Кенгаши ходимлари маҳалламизда семинар ўтказишганди, – дейди Қумариқ кўчасидаги 9-уйда истиқомат қилувчи Хадича Камолова. – Мулоқот чоғида фаолларга ҳовлимда қўй боқиш ниятим борлигини айтиб, бу борада улардан кўмак сўрагандим. Очиғи, истагим бу қадар тез амалга ошишини кутмагандим. Маҳалламиздаги яна олти оиланинг қувончи чексиз.

Шу маҳаллада яшовчи Зайнабхон Собированинг оиласи 6 кишидан иборат. Сафдошларимиз ушбу хонадонда бўлишганида “Ерни боқсанг, ер сени боқади”, деган нақл бежиз айтилмаганига яна бир бор ишонч ҳосил қилишди. Ҳар бири 4 сотиҳдан иборат 2 та иссиқхонада булғор қалампири етиштирилиб, бозорга чиқариляпти. Миришкорларга “O‘zLiDeP кутубхонаси” рукни остида чоп этилган, иссиқхоналарда турли сабзавотлар парваришлашга доир йўл-йўриқлар баён қилинган қўлланмалар топширилди.

Ишчи гуруҳлар ташаббуси билан тажрибали деҳқонлар иштирокида 19 та маҳорат дарси ташкил қилиниб, унда 804 нафар томорқачи иштирок этгани ҳам эътиборга молик. Шунингдек, томорқадан фойдаланиш бўйича 20 мингга яқин буклет тарқатилди.

Партиямизнинг барча бўғинлари фаолияти дастурий мақсадларимиз ҳамда давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилаётган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ қилишга қаратилган. Жамият ҳаётининг барча жабҳаларини қамраб олувчи мазкур вазифалар ижросини наинки партия фаоллари, балки кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокисиз тасаввур қилиш қийин. Шу нуқтаи назардан ёндашилганда, бугун халқ ичига янада фаолроқ кириб бориш, одамларга олдимиздаги мақсадлар, уларни амалга ошириш йўллари ва кутилаётган пировард натижани муфассалроқ тушунтириш, шу орқали хайрихоҳларимиз, ҳаммаслакларимиз сафини янада кенгайтириш ҳозирги босқичда партия тузилмалари олдидаги энг муҳим вазифага айланган. Унинг нечоғли муваффақиятли амалга оширилиши эса омма орасида, одамлар билан юзма-юз иш олиб борувчи таянч бўғинларга ҳам боғлиқ. Зеро, ҳар бир қуйи ташкилот партия электорати вакилларини бирлаштирувчи ўзига хос майдондир. У сайловчилар билан партия ўртасидаги кўприк, ижтимоий-сиёсий фаолият ўзагидир. Бинобарин, O‘zLiDeP қуйи бўғинларни янада кўпайтиришга, улар фаолияти самарадорлигини оширишга алоҳида эътибор қаратяпти. Ишчи гуруҳлар партия бошланғич ташкилотлари тузилмаган фермер хўжаликлари, тадбиркорлик субъектлари, кластерлар, уюшмалар, ассоциацияларга кириб борди. Турли-туман ташкилотларда сиёсий куч дастурий ғоялари тарғиб қилиниб, партия таянч нуқталарини ташкил қилиш бўйича тизимли иш олиб борилди. 9 та хусусий корхона, 4 та фермер хўжалиги, республика фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашининг 3 та бўлими ва бошқа 14 та ташкилотда бошланғич партия ташкилотлари иш бошлагани саъй-ҳаракатлар бесамар кетмаганини англатади.

Фарғона вилоятида 1037 та маҳалла фуқаролар йиғини бор. 481 нафар МФЙ раиси ва 403 нафар котиб O‘zLiDeP аъзоларидир. Олиб борилган таъсирчан тарғибот ишлари натижасида ўзини ўзи бошқариш органларининг 100 дан зиёд ходими партия сафига ўтиш истагини билдирди.

Олтиариқ туманидаги “Юлдуз” болалар оромгоҳида “Бизнинг энг катта таянчимиз ва суянчимиз, ҳал қилувчи кучимиз – ёшлар!” шиори остида ёшлар форуми кўтаринки руҳда ўтказилди. Форумда O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ходимлари, Олтиариқ тумани ҳокимлиги, корхона, ташкилотлар вакиллари, депутатлар ва ёшлар иштирок этдилар. Форум доирасида ёшлар ўртасида спорт мусобақалари, тасвирий санъат, мусиқа ва бошқа йўналишлар бўйича беллашувлар ўтказилди.

– Президентимиз томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббус барчамиз учун дастуриламал вазифасини бажармоқда, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси аппарати раҳбари Жамолиддин Мелибоев. – Мазкур ташаббуслар мазмун-моҳиятини жамоатчиликка етказиш, истеъдодли ёшларни излаб топиш, уларнинг салоҳиятини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш ишчи гуруҳлар зиммасига юклатилган асосий вазифалардан бири ва биз уни астойдил бажаришга интиляпмиз.

Ёшлар форуми доирасида бешинчи ташаббус – хотин-қизлар бандлигини таъминлаш бўйича Олтиариқ туманидаги “Фромода текстиль” ва “Олтиариқ” хусусий корхоналари томонидан ўнлаб хотин-қизлар ишга жойлаштирилиб, уларга меҳнат дафтарчалари берилди. Шунингдек, ўнлаб ёшларга партия сафига қабул қилинганлиги тўғрисида гувоҳномалар тантанали равишда топширилди.

Сиёсий қарашларимни O‘zLiDeP орқали ифодалашга қарор қилдим. Чунки мен мамлакат қудрати, халқ фаровонлиги тадбиркорлар, фермерларнинг нечоғли самарали фаолият юритиши билан чамбарчас боғлиқ, деган қатъий фикрдаман. Партия дастурий мақсадлари амалга ошишига қўлимдан келганча ҳисса қўшаман, – дейди Фарғона политехника институти магистранти, “Ҳумо” ўқув маркази раҳбари Исмоилжон Обичаев.

Ишчи гуруҳ томонидан инвестиция лойиҳалари амалга оширилиши билан боғлиқ ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Вилоятда 79 та лойиҳа ишга туширилган, 562 таси эса шу йилнинг охирига қадар ҳаётга татбиқ қилиниши белгиланган. Мазкур лойиҳаларга вилоят Кенгашидаги депутатлардан 19 нафари ҳамда туман ва шаҳар Кенгашидаги депутатлардан 213 нафари бириктирилган бўлиб, бугунги кунгача улар ижросини таъминлаш юзасидан назорат-таҳлил фаолияти амалга оширилиб, мансабдор шахсларнинг эшитувлари ўтказилди.

АНДИЖОН

Ишонч қозониш машаққати

Партиямиз вакилларининг Андижон вилоятидаги учрашувлари, аҳоли билан очиқ мулоқотлари 1460 та муаммонинг юзага чиқишига туртки бўлди. Вилоятнинг барча туман, шаҳарларидаги 6223 та хонадонда аниқланган масалаларнинг 524 таси жойида партиявий воситалар орқали ҳал қилинди.

– Масалан, хонадонлардаги суҳбатлар давомида кредит олиш истагидаги андижонликлар 139 нафарни ташкил этиши маълум бўлди, – дейди ишчи гуруҳ аъзоси, O‘zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия Қўмитаси масъул ходими Сардор Марипов. – Улар орасида бу борада кимга, кайси ташкилотга мурожаат қилишни билмаётганлар ҳам борлиги ва уларга ишчи гуруҳимиз томонидан берилган тавсия ва кўникмалар, маслаҳатларнинг асқотгани бизнинг ютуғимиз бўлди, айни пайтда партиямизга нисбатан ишонч янада мустаҳкамланди. Шу кунга қадар уларнинг 29 нафари кредит олишга эришиб, тадбиркорликнинг турли йўналишлари бўйича фаолият бошладилар.

Бу йўналишдаги ишларни биргина Қўрғонтепа тумани мисолида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Ишчи гуруҳ ташрифи давомида кредит олиш истагидаги хотин-қизларнинг 13 нафари жами 540 миллион кредит олишга муваффақ бўлгани амалий кўмакнинг ёрқин ифодаси бўлди. Зарнигор Исмоилова ана шундай омадлиларнинг бири. У раҳбарлик қилаётган “Оила равнақ” масъулияти чекланган жамиятида трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқарилади.

– Фаолиятимни бошлаганимга 10 йилга яқин вақт бўлди, – дейди тадбиркор.– Ўтган йиллар давомида, очиғи, бундай имкониятдан фойдаланмаганман. Партия вакилларининг беминнат кўмаги билан эндиликда фаолиятимни кенгайтиришга эришаман. Бизнес лойиҳамда кўрсатилган 64 миллион сўм кредит маблағи ишлаб чиқариш ҳажмининг, сифат кўрсаткичининг ортишига, янги иш ўринлари яратилишига хизмат қилади.

Шунингдек, хайрли ишлар тумандаги “Khontex Group” масъулияти чекланган жамиятида ўтказилган бизнес-экскурсия сифатида давом этди. Корхонанинг қулайликлари, яратилган имкониятлар бу ердаги бўш ўринларнинг 14 таси банд этилишига сабаб бўлди.

Ўрганишлар мобайнида вилоятдаги 320 та корхона, ташкилот ва муассасаларда ўтказилган тарғибот-ташвиқот тадбирлари жорий йилда бажарилиши режалаштирилган инвестиция лойиҳаларининг депутатларга бириктирилиши, шу билан бирга улар фаолияти устидан депутатлик назорати ўрнатилиши учун замин яратди.

Вилоятнинг Балиқчи, Избоскан, Пахтаобод ҳамда Шаҳрихон туманларида бўлиб ўтган “Томорқа – даромад манбаи” мавзусидаги тажриба алмашув семинарлари, маҳорат сабоқлари бу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштиришга хизмат қилди. Бир парчагина еридан самарали фойдаланаётган, мўл ҳосил олиб оиласига, ички бозорга ва ҳатто ташқи бозорга ҳам манфаат келтираётган хонадон соҳиблари – миришкор деҳқонлар намунаси боқимандалик кайфиятидан чиқиб кетолмаётган айрим хонадон эгаларига ибрат сифатида кўрсатилиб, маънавий ва амалий кўмак берилди.

Якка муаммолар умумий муаммоларни келтириб чиқаради. Дастлаб бир одам кўтарган масала эртага бутун бошли маҳалланинг, ҳудуднинг муаммосига айланиши мумкин. Жалақудуқ туманининг Бойчеки маҳалласи аҳли қоронғи тушиши билан зим-зиё зулмат остида қолгандек ҳис қиладилар ўзларини. Бирор зарурат бўлмаса кеч тушганда кўчага чиқмай қўяверадилар. Негаки, кўчаларни ёритувчи на бир чироқ бор, на бир ёриткич. Қуруқ симёғочлардан нур таралмайди-да! Ишчи гуруҳнинг ташрифидан маҳалла аҳли қувониб кетди. “Сен қил, у қилсин! Унинг иши, бунинг вазифаси!” деган иддаоларга жойида чек қўйилди. Бугун маҳалла аҳли симёғочларга қўйилган ёруғлик манбаларидан хурсанд.

Маълумки, чекка ҳудудларга табиий газ тармоқлари тортилмаган. Бу борада муаммолар истаганча топилади. Шаҳрихон туманидаги ўрганишлар натижасида 12 та хонадондаги ана шу масалага ечим топилди. “Андижон газ таъминоти” ХТГБ Шаҳрихон туманлараро 6-участка бўлимига халқ депутатлари Шаҳрихон туман Кенгаши депутати Шавкатбек Отахонов томонидан юборилган депутатлик сўрови муаммони осонгина ҳал қилди.

– Газ баллонларига бўлган эҳтиёжимизни бир неча марта маҳалла фуқаролар йиғинига айтдик, - дейди Мустақиллик маҳалласида яшовчи Шоҳистахон Мамажонова. – Лекин фойдаси бўлмади. Очиғи, моддий имкониятимиз етарли бўлганда, амаллаб топардик. Яхшики, партия ходимлари, депутатлар “муаммоингизни айтинг” деганлари. Уларга раҳмат, газ баллонига бўлган эҳтиёжимиз тез фурсатда қондирилди.

O‘zLiDeP Андижон вилоят Кенгаши мафкуравий тарғибот-ташвиқот ишлари бўлими мудири Муяссархон Умурзақованинг таъкидлашича, ишчи гуруҳнинг келиши, ўтказилган тадбирлар натижасида партия сафига яна 635 нафар аъзо қабул қилинган. Демак, улуснинг партияга ишончи ортаётгани қувонарли.

O‘zLiDeP ҳудудий ташкилотлари маълумотлари асосида тайёрланди.

Шукуҳ

Хирмонлари тўлди Қашқадарёнинг!

Воҳа ғаллакорлари ҳозирга қадар давлатга 461 минг тонна ўрнига 508 минг тонна сара дон топширди. Ўртача ҳосилдорлик сувли майдонларда 60, лалми майдонларда 20 центнерни ташкил этди. Доннинг катта қисми уруғлик учун жамғариб қўйилди. Ҳа, бу йил осмондан Оллоҳнинг баракаси ёғилди.

Рақамларга қаранг: 141 минг 800 гектар сувли, 63 минг гектар лалми майдонларда ғалла майсаларини юксак агротехника қоидалари асосида парвариш қилдилар. Бободеҳқонлар белгиланган чора-тадбирлар асосида озиқлантириш, суғориш, бегона ўтлар, касаллик ва зараркунандаларга қарши кураш тадбирларини тизимли равишда олиб бордилар. Вилоятда ғаллачиликни ривожлантириш орқали аҳолининг дон маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш мақсадида бошоқли дон экинлари етиштириладиган майдонлар кенгайтирилиб, истиқболли навлар яратилаётгани боис ҳосилдорлик йил сайин ошиб бормоқда.

– Ғалладан мўл ҳосил олиш, аввало, майсалар парваришига боғлиқ, – дейди **вилоят қишлоқ хўжалиги бошқармасининг ғаллачилик, дуккакли дон ва мойли экинлар бўлими бошлиғи Маҳмаюсуф Қурбонназаров.** – Фермерларимиз иштирокида мунтазам равишда деҳқончилик сирларини ўргатиш мавзусида иқтисодий ўқувлар ташкил этиб келяпмиз. Ғалла уруғчилиги бўйича ном қозонган таниқли олимлар, малакали мутахассислар ўтказаётган машғулотлар натижасида фермерларимизнинг билим-тажрибаси йил сайин ошиб, ғаллачиликда сезиларли ютуқларни қўлга киритишмоқда. Суғориш "шарбат" усулида олиб борилди, ҳар гектар майдонга 5 тоннадан маҳаллий ўғит жамғарилди. Майсаларнинг баравж ривожланиши учун асосий майдонларга суспензия сепилиб, керакли миқдорда минерал ўғитлар билан озиқлантирилди. Дон ва дуккакли экинлар илмий-тадқиқот институтининг Қашқадарё филиали илмий ходимлари вилоятнинг табиий иқлими, қурғоқчиликка чидамли навлар яратиш борасида олиб бораётган илмий изланишлари ўз самарасини берди. Улар яратган янги "Ғозғон", "Бунёдкор", "Ҳисорак" навлари вилоятимизнинг катта майдонларига экилиб, 60-70 центнердан хирмон кўтарилди. Шунингдек, сувли ерларга "Шамс" ва "Насаф", лалмига эса "Мингчинор" ва "Лангар" каби янги нав уруғлар сепилиб, синаб кўрилди. Натижа кутилганидан ҳам юқори бўлди. Кейинги йилларда бу навларни катта майдонларга экишни режалаштиряпмиз.

Албатта, ҳосил етиштириш анча мушкул иш. Аммо тайёр дон маҳсулотини ўриб-йиғиб олиш ундан-да қийинроқлигини саратонда далаларда жавлон урган фидокорлар яхши ҳис этишади. Миришкорларнинг йил бўйи қилган заҳматли меҳнатлари натижасини қисқа фурсатда, нест-нобуд этмай йиғиштириб олиш ишларига пухта ҳозирлик кўрилган ҳолда киришилди. Ғалла ўрим-йиғимига 470 та комбайн жалб этилди. Шундан 70 таси жорий йилда харид қилинган "Клаас" комбайни бўлиб, 226 таси "Кейс", 50 таси эса "Вектор 410" ҳамда 124 таси "Клаас Доминатор" русумли ўриш техникаларидир. Ҳар бир комбайнга бешта ташиш техникаси бириктирилиб, ёнилғи таъминоти, ер текислаш, ҳайдов тракторлари ва бошқа техника воситаларидан унумли фойдаланилди. 2 847 та дон ташиш техникаси (шундан 2054 таси юк автомобили) ишлаб турди. Мавсумда иштирок этаётган барча техника воситаларининг бетўхтов ишлашини таъминлаш мақсадида бензин, дизель ёнилғиси ва суюлтирилган газ захираси яратилди. Барча комбайн ва транспорт воситалари техник кўрикдан ўтказилди. Ҳар бир комбайнни икки нафардан ҳайдовчи оператор галма-галма самарали ишлашни таъминлаш мақсадида туну кун бошқарди. Битта отрядга бир дона комбайн бириктирилиб, кўчма таъмирлаш устахонаси, ёнилғи ва мойлаш материаллари узлуксиз етказиб берилди. Ўрим-йиғим мавсумида иштирок этаётган барча механизатор ва ҳайдовчилар, дала меҳнаткашларининг меҳнат қилиши ва дам олиш соатларини мазмунли ўтказиши учун барча шароитлар яратилди. Вилоятдаги 5 та донни қайта ишлаш корхонасига қарашли 26 та дон қабул қилиш маскани кечаю кундуз ишлади. Ҳосил талон-торож этилишининг олдини олиш мақсадида 20 та йўл патруль хизмати экипажи, 24 та назорат маскани ташкил этилди. Илғор комбайнчилар, ғаллакорлар мунтазам равишда рағбатлантириб борилди.

Косон тумани деҳқонлари кузда 18 минг гектар майдонга дон сочган эдилар. Ҳосилдорлик ҳар гектарига 60 центнердан ошди. "Оллоназар файз" фермер хўжалиги аъзолари ҳар гектардан 68 центнердан ғалла олишди. Яккабоғликлар 8 минг гектарда ғалла парваришлашди. "Яккабоғ миришкори" фермер хўжалиги 80,5 центнердан, "Жовлиев Дилмурод Абдишукурович" фермер хўжалигида эса 78 центнердан ҳосил олинди.

Нишонлик ғаллакорларнинг ҳам бу йил юзлари ёруғ бўлди. 18,5 минг гектар ерга дон эккан бободеҳқонлар 60 центнердан ошириб ғалла ўриб-йиғиб олдилар. Ҳосилдорлик "Нишон нурли келажаги" фермер хўжалигида 74, "Очил ота издошлари" фермер хўжалигида эса 71,6 центнерни ташкил этди. Воҳада ғалладан юксак хирмон кўтариб, давлат шартномасини ортиғи билан бажарган бу каби фермерларни санаб адоғига етиш қийин.

– Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 27 ноябрдаги "Бошоқли дон етиштиришни янада рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига асосан давлатга дон сотишда янги харид нархларининг белгиланган биз дала меҳнаткашларини қувонтириб юборди, – дейди **Косон туманидаги "Шерхон Аҳмед" фермер хўжалиги раиси Ориф Нормуродов.** – Жорий йил ҳосили учун буғдойнинг ҳар бир тоннасига кафолатланган давлат харидининг ўртача нархи 1 млн. 200 минг сўм этиб белгиланди. Давлат харидининг етказиб берилган ғалла нархига 10 фоиздан 25 фоизгача устама, агар паст бўлганда худди шу тарзда чегирма қўлланиладиган бўлди. Биз ҳосилдорликни 40 центнер ўрнига 66 центнерга етказдик, эндиликда давлатга топширилган доннинг ҳар тоннаси учун 1 млн. 200 минг сўм эмас, балки 1 млн. 500 минг сўмдан тўланади. Ҳалол меҳнат қилган деҳқоннинг косаси оқарадиган кун келди. 86 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 65-70 центнердан хирмон кўтардик. Шартномадан ортиқчасини ишловчиларга тарқатдик. Қишлов даврида чорва молларига ем қилиш учун жамғариб қўйдик. Таъкидлашни истардимки, фермерлик ҳаракати ривожлантирилиб, ер майдонлари тажрибали ва ишбилармон деҳқонларга ишониб топширилгани боис маҳсулот етиштириш ҳажми йил сайин ўсяпти. Ҳалол меҳнат қилиб, ердан ризқ ундираётган меҳнаткашларнинг ютуқлари таҳсинга сазовор. Берилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган, изланишу интилиши туфайли мамлакат

тараққиёти, эл-юрт ривожига муносиб ҳисса қўшаётган фермерлар Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан қўллаб-қувватланаётгани ислоҳотларни жадаллаштиришда яқиндан ёрдам бераётир. Фермерликнинг ривожланиши, миллий қадрият ва анъаналаримизнинг давомийлигини таъминлашга, мамлакат иқтисодиётининг янада барқарор ривожланишига, энг муҳими, аҳоли турмуш тарзининг яхшиланишига хизмат қилмоқда.

Об-ҳавонинг ғалла майсалари парвариши учун жуда қулай келгани, ёғингарчиликнинг кўп бўлгани деҳқонларга хуш кайфият бағишлади. Улар ҳар қачонгидан-да баракалироқ меҳнат қилдилар. Бугун эса юзлари ёруғ бўлиб, режаларни ортиғи билан бажариб, тўйларни бошлаб юбордилар. Ғалладан бўшаган 50 минг гектар майдонга сабзи, мош, ловия, кунгабоқар, маккажўхори ва лавлаги экиш қизғин давом этмоқда.

– Деҳқоннинг ҳақиқий мададкори бу табиат. Ўтган йили ёғингарчилик кам бўлгани боис давлат шартномасини бажариш учун далада ги ғалла ҳосилини сўнгги килограммигача қабул пунктларига топширишга мажбур бўлганмиз. Ўзимиз ҳам, ишчиларимиз ҳам йил бўйи тиним билмай ишлаб, бир кило ҳам дон ололмагандик. Ғалла етиштирсанг-у, ўзинг қуруқ қолсанг, алам қилади-да, – дейди **Касби туманидаги "Жабборов Алланазар Жабборович" фермер хўжалиги раҳбари Ботир Жабборов.** – Оллоҳга минг қатла шукр, бу йил нафақат давлат олдида юзимиз ёруғ бўлди, балки хўжалигимизда қишин-ёзин машаққатли тер тўкаётган аъзоларимизни ҳам хурсанд қила олдик. Уларни совға-саломлар билан рағбатлантирдик, 1,5 тоннадан ғалла, чорва молларига истаганча хашак бердик. Қишлоқ одамининг даромади асосан чорвадан. Бу йил Парвардигор ҳамманинг ризқини мўл қилди. Шартномани ортиғи билан бажардик. 31 гектар ерга "Ғозғон" навидан экиб, 50 центнердан ошириб ҳосил олдик. 15 гектар ерга экилган Россиянинг "Гром" ғалла нави ҳам еримизга мос экан. Ҳосилдорлик 40 центнердан ошди. 13 йилдан буён фермерлик билан шуғулланаман. 15 нафар ҳамкишлоғимни иш билан таъминлаганман. Тўй-маъракаларида ҳам қўлимиздан келганча ёрдам берамиз. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари текинга улашилади. Ғалладан бўшаган майдонларга чорва моллари учун маккажўхори етиштиряпмиз. 10 гектар жойга сабзи экиб қўйдик. Ишчиларимизнинг кайфияти аъло, иккинчи экин учун уларга ҳам ер ажратяпмиз. Бизнинг Байдақчи қишлоғимизда ҳар бир оилада чорва бор. Партия фаоли сифатида томорқалардан самарали фойдаланиш, ҳар қарич ерни бўш қўймаслик тўғрисида тарғибот ишларини олиб боряпмиз.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

Мулоҳаза

Қиёсдан қўрқманг — қўлингизни қисиб қолмайди

O'zLiDeP лойиҳалари туфайли стереотип қарашлар креативёндашувларга мағлуб бўлаётгани чекка ҳудуддаги "Nozim Mega servis" оилавий корхонаси мисолида

...Ўқувчилик давримиз ўтган асрнинг 80-йилларига тўғри келган. Ўша пайтлари деярли ҳар ҳафтада иншо ёзиларди. Социалистик жамият аёли ёхуд она образи энг кўп такрорланадиган мавзулар қаторида мустаҳкам турарди. Хотин-қизлар портретини сўз билан тасвирлашда "зангори кема капитани", "жасоратли чўлқувар", "моҳир сут соғувчи", "ипак қурти тилини биладиган фидойи", "металл цехининг зарбдор ишчиси", "минорасифат кран машинисти", "ёшларга ўрнак бетончи", "тажрибали сувоқчи-бўёқчи", "биринчи тоифали тракторчи", "донгдор сувчи", "олтин қўлли пахтакор", "она шифокор", "она муаллим" сингари таърифлардан фойдаланиларди. Лекин ҳеч қачон ишбилармон аёл, тадбиркор аёл янгли ташбеҳлар қўлланилмасди.

Ҳа, шундай замонлар ўтдики, қўли қадоқ, усти-боши мой тракторчи аёл – илғор механизаторни ҳаммага намуна қилиб телевизорга чиқариш мантиқсизлик экани хусусида ҳатто хаёл суриш ҳам мумкин эмасди. Бугун-чи?

Эндиликда хотин-қизларнинг салмоқли қисми бизнесда муваффақият қозониб, ишбилармон доираларнинг таниқли вакилаларига айланаётир. Айниқса, кейинги икки-уч йил ичида уларнинг сафи сезиларли даражада кенгайди. Дугонаю сингилларига доимий даромад манбаи – янги иш жойлари очаётган ҳам, "Малибу" ва "Каптива"ларда хорижий ҳамкорлар билан музокарага бораётганлар ҳам шулар. Дарвоқе, уларни зангори кема капитанларига таққосан хулоса чиқарган маъқул. Қиёсдан қўрқманг – қўлингизни қисиб қолмайди, деган гап бежиз айтилмагандир ахир.

Кези келганда, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси дастурида мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида аёлларнинг ўрни ва ролини ошириш, уларни кичик бизнесга кенг жалб қилиш масалалари устуворликка эга эканини алоҳида таъкидлаш жоиз. Айни йўналиш гендер тенглиги пойдеворига қурилгани билан янада аҳамиятлидир. Шу боисдан O'zLiDeP ташкил топган вақтдан бошлаб барча партиявий лойиҳаларда хотин-қизларга қулай шароит яратишга жиддий эътибор қаратиб келинади. Бу жараён нафақат пойтахтда, балки республиканинг чекка-чекка ҳудудлари кесимида ҳам изчил давом этмоқда.

Маълумки, Шовот – мамлакатимизнинг шимолий-ғарбий чегараларида жойлашган олис туманлардан бири. Мазкур ҳудудда ҳам истиқболли партиявий лойиҳалар туфайли ўнлаб ишбилармон аёллар кашф этилиб, улар ҳар томонлама қўллаб-қувватланиши орқали ўз бизнесини йўлга қўйишмоқда.

Асли касби ўқитувчи бўлган Зулайхо Сапаева ана шундай хотин-қизлар сирасига киради. Икки қиз, бир ўғилнинг онаси Урганч давлат университетининг табиатшунослик факультетини тамомлаган. Шовот туманидаги 42-сонли умумий ўрта таълим мактабида кимё ва биология фанларидан дарс берган. Педагогик фаолият баробарида ишдан бўш вақтларида тикувчилик билан шуғулланган. O'zLiDeP томонидан ташкил этилган очиқ мулоқот ва бизнес-семинарларда иштирок этган Зулайхода момолардан мерос чеварлик иқтидори орқали тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш истаги туғилади. Бунда партия фаолларининг тавсиялари ҳам амалий кўмак вазифасини ўтайди.

Айни пайтда Хоразм вилояти миқёсида анча танилиб қолган "Nozim Mega servis" оилавий корхонаси шу тариқа дунёга келади. Бугун корхонада 50 турдан зиёд маҳсулотлар тайёрланади. Мижозларнинг буюртмалари муддатидан олдин етказиб берилади. Шу кеча-кундузда эса 10 га яқин субъектлар билан тузилган шартномада кўрсатилган маҳсулотлар – бежирим кийим-кечаклар устида қизғин иш олиб борилмоқда.

Яна бир жиҳат: З.Сапаева ҳозиргача ўз билим ва маҳоратини, тикувчилик сир-асрорларини кўплаб хотин-қизларга ўргатиб, уларнинг 60 нафарини мустақил тадбиркорлик фаолиятига учирма қилди. Ана ўша олтмиш нафар шогирднинг ҳар қайсиси камида 3-4 нафар шогирд билан ишлаётир.

"Nozim Mega servis" оилавий корхонасида жорий йилнинг ўзида яна 5 та, келаси йил эса 20 та янги ишчи ўрни очиш ва унга маҳалладаги ишсиз қизларни жалб этиш режалаштирилган. Ходимларнинг ҳар бирига бажарган ишига қараб ойлик маошлари тўланади.

– 2019 йил биз учун ютуқларга бой бўлаяпти, – дейди Зулайхо Сапаева. – Президентимиз ташаббуси асосида жорий этилган имтиёзли кредитлардан фойдаланган ҳолда фаолиятимизни кенгайтирдик. "Ташаббус", "Ишбилармон аёл" каби кўрик-танловларнинг туман босқичи ғолиби бўлиб, вилоят босқичида муносиб иштирок этдик. Кичкина корхонамиз нуфузли ташкилотларнинг диплом ва ташаккурномаларига лойиқ кўрилгани ўзига хос рағбат бўлди. Бундан кейин ҳам изланишимизни давом эттириб, янги турдаги кийимларни ишлаб чиқариш, маҳаллий маҳсулотларимизни экспортга чиқаришга интилаверамиз.

Партия ташаббуси билан уюштирилган қайсидир семинарда инжиқ ҳамкасбимиз "Бундай тадбирлардан нима фойда бор?", дея савол ташлаганди. Шунда O'zLiDeP фаолларидан бири лўнда қилиб, "Стереотип қарашлар креатив ёндашувларга мағлуб бўлиши учун замин яратилади", деганди. Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитасидан бир минг икки юз чақирим узоқда фаолият кўрсатаётган "Nozim Mega servis" оилавий корхонаси шу фикрнинг амалий тасдиғи назаримда.

Озод РАЖАБОВ,
"XXI asr" мухбири

Тадбиркорлик

Содиқ Абдусаматов Самарқанд шаҳрида яшайди. Мебелсозлик соҳасига кириб келганига ҳам қарийб чорак аср бўлибди.

Мебелсозлик — ҳам санъат, ҳам бизнес

– Нимадир бўлиб, ишсиз қолгандим, – дея хаёлан ўтган асрнинг 90-йилларига қайтади у. – Дурадгорликдан оз-моз хабарим бор эди. Қўни-қўшниларнинг мебелларини тузатиб, тирикчилик қила бошладим. Айримлар стол, стул ясаб беришимни сўрашди. Уларнинг илтимосини бажардим. Шкафлар ҳам ясадим. Секин-аста буюртмалар кўпая бошлади. 1998 йили "Sabina-S" деб номланган мўъжаз корхона очдим.

Тадбиркор кутилмаган қийинчиликларга ҳам дуч келди. Ўша пайтларда хомашёни фақатгина Тошкентдан харид қилиш мумкин эди. Юк машинаси эса бошқа мижозларнинг ҳам юки ортилмагунча жойидан жилмасди. Оқибатда корхона тўрт, беш кунлаб тўхтаб қоларди. Изланган имкон топар, деганларидек, у талай муаммоларни бартараф этишга муваффақ бўлди. Ҳаракат қилиб, ўзининг янги ном берилган – "Sam Osiyo Mebel" корхонаси учун алоҳида ер олди. 60 сотихлик майдонга уч қаватли бино қурди.

– Банкнинг энг ишончли мижозларидан бирига айланганмиз, – дейди корхона иқтисодчиси Темур Халиков. – Кредит эвазига Германиядан янги дастгоҳлар келтирганмиз. Ускуна, қурилмаларимиз сони 30 тадан ошиб кетди. Шунингдек, уч йил муддатга берилган 630 миллион сўм сармоя ҳисобидан "MAN" юк автомобили сотиб олганмиз. Хомашё олиб келиш, тайёр маҳсулотни ташишда ҳеч қандай муаммо йўқ.

Дарҳақиқат, етишмовчиликлар, молиявий ва бошқа қийинчиликлар аллақачон ортда қолган. Ҳозир корхонада 70 дан зиёд киши ишлайди. Корхона автобуси улар хизматида. Барча иш кийими билан тўлиқ таъминланган. Эътиборлиси, бепул тушлик ҳам берилади.

Тадбиркор мебелсозлик бўйича Европа давлатлари, Япония, Хитой, Туркияда ўтказиладиган кўргазмалар, бизнес-саёҳатларда фаол иштирок этяпти.

– Бундай сафарлар мени роса руҳлантиряпти, асосийси, тажрибам ошяпти – дейди у. – Маҳсулотларимнинг жаҳон бозорида ўрин эгаллашига имкон яратилади. Шунингдек, ҳамкасблар билан фикр алмашаман, янги услублар, технологиялар борасидаги билимларим бойийди. Умуман, мебелсозлик ижодий ёндашувни ёқтиради. У ҳам санъат, ҳам бизнесдир.

Ҳозирда корхонада 100 хилдан зиёд мебель жиҳоз-анжомлари тайёрланяпти. Лекин бу чегара эмас. Яқинда МДФ эшиклари ишлаб чиқарилувчи янги линия олиб келинди. Тез орада харидорларга кўркам ва сифатли эшиклар тақдим қилинади.

Муҳаббат РАВШАНОВА,
"XXI asr" мухбири

Ишбилармон аёл

Энг муносиблар сараланди навбат республика босқичига

Иқтисодиётда, кичик бизнес ва хусусий секторнинг ривожланишида тадбиркор ва фермер хотин-қизларнинг фаол иштирокини таъминлаш, юртимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотлар моҳиятини аёллар ўртасида кенг тарғиб қилишда "Ишбилармон аёл" кўрик-танловининг ўрни беқиёс.

Қашқадарёда мазкур танловнинг туман, шаҳар босқичлари доирасидаги тадбирларда уч юзга яқин хотин-қиз иштирок этди. Улар маҳсулотларини намоён этиш баробарида ишлаб чиқаришга замонавий технологияларни жорий қилиш борасидаги амалий ишлари ҳақида тўпланганларга сўзлаб беришди. Илғор корхоналарга бориб, ёш қизларга маҳорат дарслари ўтишди. Танловнинг Қарши шаҳридаги Санъат коллежида ўтказилган вилоят босқичида воҳалик ишбилармонларнинг маҳсулотлари кўргазмаси катта қизиқиш уйғотди.

Намунали ўқув марказлари

Биринчи ўринга яккабоғлик Шоира Ҳайдарова лойиқ топилди. У 2012 йилда тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиб, "Шоира Шукуровна" хусусий корхонасини ташкил этган. Айни пайтда Яккабоғ туман Хўжаилғор маҳалласида 100 ўринли "Жажжи олмосчалар" нодавлат мактабгача таълим муассасасини ишга туширди. У ерда 3 гуруҳда 2 ёшдан 7 ёшгача болалар тарбияланяпти, 15 нафар педагог ва тарбиячи меҳнат қиляпти. Қарши шаҳридаги "Диагностика-кардиоцентр" хусусий диагностика марказида эса юрак электрокардиографияси, физиотерапия муолажалари кўрсатилади. 5-ўринли кундузги шифохона мавжуд. Яккабоғ туманида корхона тасарруфида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси ташкил этилган бўлиб, гўзаллик салони ва тикув цехи ишлаб турибди. Новвойхонада пиширилаётган лаззатли ва бўрсилдоқ нонларни есангиз тами оғзингизда қолади. "Тонг ёғдуси" тўйхонасида эса 61 нафар йигит-қизнинг бандлиги таъминланган.

– Келгусида тикув цехини кенгайтириш, аёллар сартарошхонаси, ўқув ва хотин-қизларга психологик хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш ниятидаман, – дейди у. – Бунинг эвазига яна 50 та янги иш ўрни яратилади.

Тадбиркор Шоира Ҳайдарова ўзи раҳбарлигидаги корхонада ташкил этилган O'zLiDeP бошланғич партия ташкилоти раиси. Шунингдек, Яккабоғ туман Кенгаши аъзоси сифатида аҳоли ўртасида партиянинг дастурий мақсадларини кенг тарғиб этиб келмоқда. Партиявий лойиҳаларда фаол қатнашиб, совринли ўринларни қўлга киритган.

"Косон ривож текстил" – буюртма устига буюртма

Иккинчи ўринга косонлик тадбиркор қиз Лобар Қурбонова сазовор бўлди. Унинг "Косон ривож текстил" оилавий корхонасида 24 нафар қиз эллиқдан ортиқ турдаги маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Буюртма асосида ишчи коржомалари, ҳарбий кийим-бошлар, сумкалар тайёрланади. Кийим-кечаклар савдо дўконларига чиқарилмоқда.

– Оилавий корхонамда электр таъминотидаги муаммолар сабабли фаолиятимиз тўхтаб қолгач, амалий ёрдам сўраб партия вилоят Кенгашига мурожаат этгандим, – дейди Лобар Қурбонова. – Электр таъминоти узлуксизлиги таъминланди. Натижада корхонамнинг 3-қаватини ҳам ишга тушириб, қўшимча 10 та иш ўрни яратдим.

Онамерос касб баракаси

Учинчи ўрин эса Қарши туманидаги "Гулшан" хусусий корхонаси раҳбари Мунисхон Очиловага насиб этди. Мунисхон онаси Қундуз Каромовадан тадбиркорлик сирларини ўрганиб, нон ва нон маҳсулотлари ҳамда ширинликлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйди. Ҳозирги кунда корхонада ишлаб чиқарилаётган нон ва ширинликлар Бешкент шаҳар аҳолиси дастурхонини безамоқда.

– Вилоятимиз иқтисодиётини юксалтириш, халқ фаровонлигини таъминлаш борасида сидқидилдан меҳнат қилиб келаётган опа-сингилларнинг билимини ошириш ва улар ўртасида ишбилармонликни ривожлантириш борасида қатор ибратли ишлар амалга оширилаётир, – дейди O'zLiDeP Қашқадарё вилоят Кенгаши Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва мавқеини ошириш бўлими мудири Гулбаҳор Тўраева. – Айниқса, "Ишбилармон аёл" лойиҳаси доирасидаги тадбирларда қирққа яқин уюшмаган ёшларнинг бандлиги таъминланди. Юзлаб хотин-қиз тикувчилик, ироқи каштачилик, зардўзлик, қандолатчилик билан шуғулланишга йўналтирилиб, ўзлари учун даромад манбаи ярата бошлашди. Вилоятда хотин-қизлар ўртасида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўрни яратиш, имтиёзли кредит ажратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани самара бераётир.

Кўрик-танловнинг вилоят босқичида турли соҳада фаолият юритиб, маҳаллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали ёшлар учун янги иш ўринлари яратган тадбиркор, ҳунарманд, фермер ҳамда яқиндагина тадбиркорлигини йўлга қўйган хотин-қизлар яна бир қатор номинациялар бўйича тақдирланишди. Тадбир якунида кўрик-танлов ғолиблари ва фаол иштирокчиларга партия вилоят Кенгаши ҳамда ҳамкор ташкилотларнинг диплом, ташаккурнома ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

Сайфулла ИКРОМОВ,
"XXI asr" мухбири

УСТИ ЯЛТИРОҚ, ИЧИ...

Яқинда хизмат сафари билан Андижонга бордик. Кўпчилик эдик. Шу боис меҳмонхона топиш қийин бўлди. "Андижон" меҳмонхонасига зўрға жойлашдик. Нархи бошқаларидан деярли фарқ қилмайдиган бу жой умуман талабга жавоб бермайди. Икки кун ётдик иложсизликдан. Шароити ачинарли даражада. Пашша-чивин, суваракларни-ку сўраманг. Хона мебеллари чанглиги учун хизматчилардан артиб беришларини илтимос қилдик. Хоналарда қўланса ҳид бор. Ерталаб чиқиб кетамиз, кечроқ кайтамиз.

Ишонсангиз, бу меҳмонхонада ҳатто нонуштаям берилмаскан. Пулимизга сотволамиз, десак ҳам йўқ. Иш бошқарувчи ва ёши каттароқ аёлга салгина эътироз билдириб балога қолдим. "Ёқмаса, бошқа жойга кетинглар" дейишди жаҳл аралаш. Биз-ку, бу каби одатий ҳолатларга кўникиб кетганмиз, лекин яқин-узоқроқдан келганлар фалокат босиб шу меҳмонхонага тушиб қолса, не бўларкин? Шарманда бўламиз. Бундай усти, кўриниши ялтироқ, ичи эса қалтироқ бинолар кимга керак?

Гули Али
(Фейсбукдан олинди)

ШЕРАЛИ ЖЎРАЕВ ИЖОДИГА ПАЙРОВ

Талабларга биноан ҳофиз қўшиқларидан...

Кўзбўямачиликни қотирадиган, битта мих қоқса, бутун уйни мен қуриб бердим дейдиган ҳокимлар учун:

"Менинг кимлигимни эл билса бўлди"...

Портал чиққан пайти кўпгина муаммосини битириб мазаҳўрак бўлган, бугун эса иш битира олмаётганлар учун:

"Аввалгиларга ўхшамас"...

Шу кунларда жазирамадан қийналаётган, тонировкага пул тополмаётганлар учун:

"Куйди жоним, куйди"...

Фермерларга қалампир эктириб, уларни касод қилганлар учун:

"Эгаси бор юртнинг эртаси бордур"...

Бекорчиликда беш, ғийбат деса беш, иш деса топиб бўлмайдиганлар учун:

"Даврани кенгроқ олинг"...

Дам олишга ҳаваси бор, аммо қурби етмаётганлар учун:

"Шилдир-шилдир сув оқади Ўш тоғидан"...

Кун бўйи мардикорчиликда ишлаб, тирикчилик қиладиган аёллар учун:

"Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл"...

Камера орқали жаримага тортилган ҳайдовчилар учун:

"Эй сорбон, оҳиста юр"...

Жарима тўлагач, қайта камерага тушганлар учун:

"Карвон кўрдим туялари бўзлаб борар"...

Тайинли роли бўлмаса-да, ўзини осмон кўрадиган актрисаларнинг исм-шарифига қизиққанлар учун:

"Гулбадан"...

Фолбинсиз туролмайдиган, эри хуррак отса ҳам фолбинга чопадиганлар учун:

"Яхшидур аччиқ ҳақиқат, лек ширин ёлғон ёмон"...

Кўрсатувни эфирдан олиб ташлайдиганлар учун:

"Айрилиқ они яқиндур"...

Тиражи тушиб бораётган газета-журналларда ишлайдиганлар учун:

"Биз тўхтаб қолмадик, биз ҳали бормиз"...

Аввал ҳам, ҳозир ҳам амалда бўлганлар, бундан кейин ҳам кам бўлмайдиганлар учун:

"Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор"...

Гулнорапарастлар учун:

"Ахтарайму, қайдасан, бу ширин замонларда?"...

Бетон қориш, ободонлаштириш, нима юмуш бўлса ўқитувчини кўз олдига келтирадиганлар учун:

"Дўст бўлсанг ёнимда тур"...

Мақсуд ЖОНИХОНОВнинг
билса ҳазил, билмаса чини

XXI ASR жавоб беради

Электр энергия қўшни фирма орқали ўтказилган эди...

– Автомашиналарга хизмат кўрсатувчи корхонада ишлайман. Бизга электр энергияси ёнимизда жойлашган ишлаб чиқариш фирмаси орқали ўтказилган. Яқинда фирманинг эгаси ўзгарди ва ўзининг ҳудудидан электр энергияси ўтказишга қарши бўляпти, натижада мен фаолиятимни амалга ошира олмаяпман. Масаланинг ечими юзасидан ёрдам сўраб кимга мурожаат қилишим мумкин?

Н. Аббосов,
Юнусобод тумани

– Шахс ўзганинг ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланишга ҳақли, бу сервитут деб аталади. Сервитутнинг моҳияти шундаки, битта ер участкасининг афзалликлари ёки камчиликлари қўшни ҳисобига қондирилади, яъни манфаатдор субъектларга ўзганинг кўчмас мулкидан фойдаланиш ҳуқуқи берилади.

Ер участкасидан чекланган тарзда фойдаланиш бўйича муносабатлар Ер кодексининг 30-моддаси ва Фуқаролик кодексининг 173-моддаси билан тартибга солинади.

Агар, электр узатиш тармоқларини ўтказиш борасидаги эҳтиёжингизни сервитут белгиламай туриб таъминлаш мумкин бўлмаса, у ҳолда қўшнингизнинг ер участкасидан электр узатиш тармоқлари ўтказиш мақсадида сервитут ҳуқуқини беришни талаб қилишга ҳақлисиз.

Бунда ер участкасида сервитут белгиланиши қўшни ер участкаси эгасининг ушбу участкага эгалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқларидан маҳрум этмайди.

Қонун талабига кўра, сервитут белгилашни талаб қилаётган шахс билан ўзга ер участкасининг эгаси ўртасидаги битимга мувофиқ сервитут белгиланади ва у кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни рўйхатдан ўтказиш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтиши лозим. Сервитутни белгилаш хусусида келишилмаса ёки унинг шартларида муросага келинмаса, баҳс уни белгилашни талаб қилаётган шахснинг даъвоси бўйича суд томонидан ҳал этилади.

Ўз навбатида айтиш мумкинки, сервитут белгиланган участканинг эгаси, агар қонунда бошқа тартиб назарда тутилган бўлмаса, сервитут кимнинг фойдасини кўзлаб белгиланган бўлса, ўша шахсдан участкадан фойдаланганлик учун мутаносиб ҳақ талаб қилишга ҳақлидир.

Даъво аризасига илова қилинади

– Трикотаж маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланувчи корхона раҳбариман. Кўплаб тадбиркорлик субъектлари шартнома шартларини лозим даражада бажармайди ва олинган маҳсулот қийматини вақтида тўламайди. Суд орқали даъво қўзғатиш йўли билан пул маблағларини ундириб олиш мақсадида ҳуқуқшунос билан маслаҳатлашсам, у низолашилаётган пул миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ошмаса, у ҳолда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар жавобгарга топширилганини тасдиқловчи далилни судга тақдим этишим шартлигини айтди. Бу мен учун ортиқча оворагарчилик эмасми, шу ҳақда тушунтириш берсангиз?

Б. Мадумарова,
Когон тумани

– 2019 йил 20 мартдаги "Мамлакатда ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун билан Иқтисодий процессуал кодексига соддалаштирилган тартибда иш юритишни назарда тутувчи қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

Хусусан, ушбу кодекс 203²-модда билан тўлдирилиб, унга мувофиқ агар даъвонинг баҳоси юридик шахсларга нисбатан – энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан, якка тартибдаги тадбиркорларга нисбатан эса – беш бараваридан ошмаса, даъво аризалари бўйича ишлар соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилиши лозимлиги белгиланди.

Ўз навбатида соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиш мумкин бўлмаган ишлар тоифаси ҳам ушбу моддада аниқ белгилаб қўйилди.

Соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқиладиган иш бўйича даъво аризасига кодекснинг 151-моддасида назарда тутилган ҳужжатлар, шунингдек, даъво аризасининг ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга топширилгани ҳақидаги далиллар илова қилиниши шарт.

Агар сиз низолашаётган сумма энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма бараваридан ошмаса, у ҳолда даъво аризаси ва унга илова қилинган ҳужжатларнинг кўчирма нусхалари жавобгарга топширилгани ҳақидаги далилларни даъво аризасига илова қилишингиз лозим бўлади.

Кези келганда соддалаштирилган иш юритиш тартибининг афзалликлари ҳақида қисқача маълумот бериш керак.

Аксарият ҳолларда даъво суммаси кам бўлган ишлар қоида тариқасида бир ёки иккита суд мажлисида кўриб ҳал қилинади, лекин судьялар узоқ вақт сарфланадиган барча процессуал процедураларга амалга қилишга мажбур эдилар.

Киритилган ўзгартишларга мувофиқ соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги иш тезкорлик билан ва қисқа муддатда, яъни даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва иш қўзғатиш ҳақида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан ошмаган муддатда судья томонидан якка тартибда кўриб чиқилади, ишни кўриб чиқиш муддати узайтирилишига йўл қўйилмайди.

Шунингдек, суд соддалаштирилган иш юритиш тартибидаги ишни суд муҳокамасини ўтказмасдан, тарафларни чақиртирмасдан ва уларнинг тушунтиришларини эшитмасдан кўриб чиқади, яъни тарафлар қиймати вақтларини сарфлаб судга келиб ўтирмайдилар.

Яна бир муҳим ва тадбиркорлик субъектларига қулай томони, соддалаштирилган иш юритиш тартибида кўриб чиқилган иш бўйича ҳал қилув қарори ўн кун ўтгач, қонуний кучга киради, бу эса суд ҳужжати ижросини тезкор таъминлаш имконини беради.

Тошкент туманлараро
иқтисодий судининг раиси
Сарвар СОЛИЕВ жавоб берди.

ҚАДИМ РИВОЯТ

...Бир бой одам каттагина бозор қурдирибди-ю, унга кириши пуллик қилиб қўйибди. Аввалига эллик сўм бўлган нархга биров ғиринг деявермагач, тобора ошириб бораверибди. Бозор эгаси биронта одам норози бўлиши ёки тўполон чиқишини кутармиш-да, бозорга кириш нархини ҳар ҳафта ошириб қўярмиш.

Хуллас, у ўз қавмининг адолатсизликка қарши бош кўтаришини дил-дилидан истаб, шу ишни қилибди. Аммо... Аммо қавмнинг феъли яна ўзини кўрсатибди – нарх ҳар қанча оширилмасин, биров ғинг демабди. Ахийри бойнинг жаҳли чиқиб, бозор дарвозаси олдига девдай бир одамни қўйибди-да, кирганнинг ҳам пулини олишини, ҳам кетига битта тепишини буюрибди. Эҳтимол, шу хўрликка, ҳақоратга чидаёлмас, дея ўйлабди.

Қарангки, яна кутгани бўлмабди – одамлар кетларига биттадан тепкини еб, бозорга навбати билан аста-секин кириб-чиқаверибдилар. Хўжайиннинг ҳафсаласи пир бўлиб, ҳаммасига қўл силтаган кунларининг бирида дарвоза олдида ғала-ғовур кўтарилибди. Хўжайин "хайрият-ей", дея қувониб, дарвоза томон шошибди. Қараса, не кўз билан кўриб, не қулоқ билан эшитсинки, одамлар кетга тепувчилар сонини кўпайтиришни талаб қилаётганмиш, акс ҳолда навбат чўзилиб кетаётганини айтишаётганмиш...

Ушбу рукн материалларини
Жавҳарбек ҚОДИРОВ тайёрлади.

Реклама ҳуқуқида

Хоразм вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси буюртмасига кўра бинокорлар ҳудудларда турли ижтимоий соҳа объектларини барпо этишмоқда.

Янги ўқув йилига улгуриш керак

Хусусан, Президентимизнинг жорий йил 20 февралдаги "Президент мактабларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида кўҳна ва навқирон Хива шаҳрида маҳобатли мактаб қад ростлаяпти.

Замонавий архитектура андозалари бўй кўрсатаётган мазкур бино 168 ўринга мўлжалланган бўлиб, уни "Янги замон бино" масъулияти чекланган жамияти жамоаси қуряпти. Лойиҳага мувофиқ, қарийб 2 гектар ер майдони ажратилиб, бу ерда 3 қаватли ётоқхона, меҳмонхона, икки қаватли ўқув корпуси, ошхона ва ёпиқ сув ҳавзаси каби иншоотлар кўтарилади. Таълим масканини янги ўқув йилида фойдаланишга топшириш режалаштирилган.

Шунингдек, Хива тумани Журён қишлоғидаги 15-умумтаълим мактаби биноси эскириб қолган, боз устига нурай бошлаган эди. Инвестицион лойиҳага мувофиқ, 2,4 миллиард сўм маблағ ажратилди, ҳозирда ушбу 350 ўринли мактабни Самандар Эгамов бошчилигидаги "Муҳаммад савдо қурилиш" масъулияти чекланган жамияти қурувчилари реконструкция қилишяпти. Қурилиш-монтаж ишлари поёнига етай, деб қолди, эндиликда пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари кетмоқда.

– Туманнинг Шомахулум маҳалласида жойлашган 5-умумтаълим мактабининг спорт зал, ошхона, ёрдамчи хўжалик бинолари ҳамда ташқи фасад қисмлари таъмирталаб ҳолда эди, – дейди қурилиш лойиҳаси техник назоратчи-муҳандиси Руслан Бекметов. – Белгиланган дастур бўйича ишлар аллақачон бошлаб юборилган. Айни пайтда тажрибали қурувчи Болтабой Ҳакимов раҳбарлигидаги "Хоразм универсал қурилиш" масъулияти чекланган жамияти бинокорлари қурилиш-монтаж ишларини якунлаяпти.

Юнусали ЮСУПОВ

Хизматлар лицензияланган.

Пўлатбилак азаматлар бор бўлсин

Давлатимиз раҳбарининг Хоразм вилоятига қилган ташрифи мобайнида бунёдкорлик, айниқса, шаҳарсозлик борасида бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган эди. Чунончи, Хивани чинакамига сайёҳлар шаҳрига айлантириш, аҳоли фаровонлигига хизмат қилувчи бинолар, темир йўл вокзали, уй-жойлар ва бир қатор маиший объектлар барпо этиш шулар жумласидандир.

Айни кунларда Хива шаҳрининг кўркамлиги ва жозибадорлиги кун сайин ўзгариб бормоқда. Албатта, бу сермашаққат ишларда қурувчи, тадбиркор ва ишбилармонларнинг ҳиссаси катта бўляпти. Масалан, Темур Норбоев 2008 йилдан бери "Шиддат Монолит" хусусий корхонасини юритиб келади. Ёш бўлишига қарамай, бир қанча қурилиш объектларини бунёд этган тасарруфида ёшлар маркази, қатор-савдо маиший объектлари мавжуд корхона, 40 нафардан зиёд ишчи ходимга эга. Шунингдек, ихтиёрида автокран, бетон қоришма ва юк ташувчи автомашина, бульдозер, экскаватор сингари ёрдамчи техникалари бор.

Темур Норбоев раҳбарлик қилаётган қурувчилар жамоаси ҳозирда "Ўзшаҳар қурилиш инвест" инжиниринг компанияси буюртмасига биноан намунали лойиҳа асосида Ангариқ маҳалласида арзон ва замонавий 2 та 5 қаватли 45 хонадонли уй-жой барпо қилишяпти. Эътиборлиси, ҳар бир талаб ва истак инобатга олиниб, хонадонлардаги хоналар ғишт девор билан ажратилган. Шунингдек, иссиқлик энергиясини сақлаш мақсадида инновацион ғоялар татбиқ этилиб, хоналар пол қисмига вермикулит ва изоком каби қурилиш маҳсулотларидан фойдаланилмоқда. Қурилишда жонбозлик кўрсатаётган 60 нафар ишчи уч маҳал иссиқ овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланган. Шу кунларда бинода пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

"Kafolat sug'urta kompaniyasi" AJ:

фаолият самарадорлиги юксаляпти

Миллий матбуот марказида "Kafolat sug'urta kompaniyasi" AJда инновациялар ва янги суғурта хизматларининг амалиётга жорий этилиши ҳамда компания ходимлари салоҳиятини янада ошириш борасида белгиланган чора-тадбирлар" мавзусида матбуот анжумани ўтказилди.

Компания раҳбарлари ва масъул ходимлари журналистларга ташкилот фаолияти қамрови, суғурта тизимида юз бераётган янгиланишлар, ўзгаришлар хусусида батафсил маълумот беришди.

Қайд этилганидек, бугунги кунда "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти юртдошларимизга 100 дан ортиқ мажбурий ва ихтиёрий суғурта хизматларини таклиф этмоқда. Эътиборлиси, компания Ўзбекистон суғурта бозорида филиаллар тармоғининг кенглиги бўйича биринчи ўринни эгаллаб турибди. Ҳозирда уларнинг сони 219 тани ташкил этади – республикамиз бўйича 15 та филиал, 60 та бўлим ва 144 та суғурта маркази иш юритяпти.

Компания мижозларнинг талаб ва истакларига ҳамоҳанг йўсинда иш олиб боряпти. Хусусан, 2019 йилнинг биринчи ярмида "Kafolat sug'urta kompaniyasi" акциядорлик жамияти 3 та янги суғурта хизматини ишлаб чиқиб, амалиётга татбиқ этди. Йўловчиларни бахтсиз ҳодисалардан ҳамда фуқароларни онкологик касалликлардан суғурта қилиш, юк ташувчиларнинг жавобгарлигини ихтиёрий суғурта қилиш шулар жумласидандир.

Жорий йилнинг 6 ойи мобайнида 440 минг 698 та суғурта шартномаси тузилиб, 82,3 млрд. сўм суғурта мукофотлари жамланганги ҳам компания фаолияти нечоғлик самарадорлигидан далолат берябти. Шунингдек, шу йили содир бўлган суғурта ҳодисалари бўйича 4076 та даъво аризаси келиб тушди, улар бўйича суғурта тўловлари ҳажми 14,4 млрд. сўмни ташкил этди.

Ходимлар салоҳиятини ошириш энг муҳим мезон сифатида қаралиши лозим. Шу нуқтаи назардан қараганда, компания тизимида ходимларни танлаш, уларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва жой-жойига қўйиш масаласига алоҳида ёндашилади. Ходимларнинг иқтисодий, маданий-маърифий билимларини, профессионал малакаларини, кўникмаларини доимий равишда ошириб борилишига зарур шароитлар яратилган. Айни вақтда фаолият юритаётган ходимлардан 10 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академиясини, 16 нафари Ўзбекистон Республикаси Банк-молия академиясини, 16 нафари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги қошидаги Бизнес ва бошқарув республика олий мактабини муваффақиятли тамомлаган.

М. РАЙИМЖОНОВА,
"Kafolat sug'urta kompaniyasi"
AJ матбуот котиби

Реклама ҳуқуқида

Барчаси болажонларга

Мактабгача таълим вазирлиги ҳузуридаги "Инфратузилмани ривожлантириш бўйича" инжиниринг компанияси Бухоро вилояти филиали буюртмасига кўра вилоятда бунёд этилаётган ҳамда реконструкция қилинаётган мактабгача таълим муассасалари биноларида қурилиш-монтаж ишлари деярли якунланди. Аксарият иншоотлар ихтиёрга шай қилиб қўйилди. Масалан, дейсизми?

Бухоро тумани Ўзбекона маҳалласида жойлашган 11-мактабгача таълим муассасаси қисқа фурсатда мукаммал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда болажонлар учун ўйингоҳ, гимнастика ва маросимлар зали, шунингдек, мўъжаз ва шинам ошхона ҳам барпо этилди.

Айни тумандаги Кавала Маҳмуд маҳалласи ҳудудида жойлашган 42-МТМда эса қурилиш-монтаж ишлари жорий йил март ойида бошланган эди. Мазкур 125 ўринли, 3,4 миллиард сўмлик лойиҳани Нуриддин Саидов бошчилигидаги ИТК "Бунёдкор Изатилла Сохтимон" хусусий корхонаси жамоаси қисқа фурсатда амалга оширишга бел боғлашган. Шу тобда бинода пардозлаш ва ободонлаштириш ишлари кетяпти.

Дарвоқе, Туркон қишлоғидаги таъмирга муҳтож, абгор кўринишдаги болалар боғчаси тегишли инвестицион дастурга киритилиб, эндиликда бу ерда янги, 125 ўринли 4-мактабгача таълим муассасаси қад ростлаяпти. Жорий лойиҳада Фурқат Жўрақулов етакчилигидаги ИТК "Намунали қурилиш сервис" хусусий корхонаси бинокорлари меҳнат қилишмоқда.

Ю. ОЧИЛДИЕВ,
"XXI asr" мухбири

Хизматлар лицензияланган.

Эълон

"BEST REALTOR"

масъулияти чекланган жамияти пойтахт минтақавий филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Tashqi Iqtisodiy Faoliyat Milliy Banki To'ytepa filialининг 2019 йил 2 июлдаги буюртманомасига асосан ушбу филиалга тегишли қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳри Дўстлик МФЙ 1-кичик туманда жойлашган, ер майдони 0,30 га, қурилиш ости майдони 1219,01 кв. м. бўлган бино-иншоотлар.

Мулкнинг бошланғич нархи – 512 958 000 сўм.

2. Тошкент вилояти Оҳангарон шаҳри Қўрғон МФЙ ҳудудида жойлашган, ер майдони 1,39 га, умумий қурилиш ости майдони 2313,56 кв.м. бўлган бино-иншоотлар.

Мулкнинг бошланғич нархи – 1 820 788 000 сўм.

Аукцион савдоси 2019 йил 12 август куни соат 14:00 да бўлиб ўтади. Буюртмалар иш кунлари соат 9:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Буюртмаларни қабул қилишнинг охирги муддати – 2019 йил 9 август соат 18:00.

Юқоридаги мулк 2019 йил 12 августдаги савдода сотилмаган тақдирда такрорий аукцион савдолари 2019 йилнинг 15 август, 19 август, 22 август ҳамда 26 август куни соат 16:00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдо кунлари учун аризаларни қабул қилиш такрорий савдо кунларидан бир кун олдин соат 16:00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш учун буюртма билан биргаликда қуйидагилар тақдим этилади:

– юридик шахслар учун – давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг савдода қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун – паспорт нусхаси, савдода тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат тўланганини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Савдо ғолибига аукцион ўтказилган кундан бошлаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб харидорга шартномага мувофиқ сотиб олиш тўловларини тўлаш юклатилади.

Талабгорлар объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Best realtor" МЧЖ Пойтахт минтақавий филиалининг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги қуйидаги хисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000500433601001, МФО: 00445, СТИР: 303179580.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдода қатнашиш учун буюртмалар қабул қилинадиган ва савдо ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри Миробод тумани Истиқбол кўчаси 34 уй.

Мурожаат учун телефон: (97) 718-84-48.
Расмий сайт: www.mailto:rieltsavdo@inbox. uzemulk.uz.
Электрон почта манзили: emulkuz@mail.ru.

Лицензия: RR-0225.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва Жиззах вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида Зомин тоғлари бағрида жойлашган хушманзара Ўриклисой оромгоҳида ташкил этилган Ёш ижодкорларнинг анъанавий республика семинари унутилмас таассурот, хотираларга бой бўлди.

Зомингa дуо кетган

Пойтахтдан Жиззах томон йўлга чиқаркан-миз, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан ушбу нуфузли анжуманга таклиф этилган иқтидорли ёшларнинг юз-кўзларидаги самимият, кўтаринки руҳни кўриб, кузатиб, бошимиз осмонга етди. Нега денг-да, бир маҳаллар катта давраларда салобат билан қур тўкиб ўтиргувчи номдор шоир-ёзувчилар ҳузурига кириш, суҳбатлашиш у ёқда турсин, ҳатто узоқроқдан салом бериш мушкул эди. Давр шундай эди, замон шуни кўтарарди-да. Бугун-чи?

Саксонни қоралаб бораётган Ўзбекистон халқ шоири Анвар Обиджонни ёш қаламкашлар ҳоли-жонига қўймай, "Устозжон, менинг қўлёзмамни бир кўриб беринг, китоб қилмоқчийдим", деб қолса, Анвар ака қўлини кўксига қўйиб, "Жоним билан қараб бераман, болажоним. Ахир сизлар биз кўрмаган, орзу қилган кунларга етиб келганингизнинг ўзи катта бахт эмасми? Фақат битта илтимосим, ҳозирданоқ мақтов, манманликка берилманглар, ўқиш-ёзишдан эринманглар", дея насиҳат қилади.

Ҳар қандай суҳбат-гурунгларга ўзгача самимий руҳ бағишлаб юборадиган Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Сирожиддин Саййид жонсараклик билан "Қани оқсоқоллар, бир дуо берсангизлар, кўряпсизлар саратон хархашасини, қуёш тиккага келмасидан бурун Жиззахга етиб олайлик. Биласизлар-а, Зомин семинарининг ўзига хос тарихи бор, яъни муҳтарам Президентимиз Жиззахда ишлаган йиллари ана шу гўзал адабиёт анжуманини ўтказиш ташаббусини ўртага ташлаб, "Ёш ижодкорларнинг мустақил Ватан адабиётига Жиззах диёридан қўяётган қадамлари қутлуғ бўлсин!" дея эзгу ниятларини изҳор этгандилар ва бу умидбахш орзу устозимиз Абдулла Ориповни қанчалар суюнтирганига гувоҳмиз. Мана, қарангки, орадан шунча йиллар ўтиб, бу ташаббус янада кенгроқ қанот ёзди, янада такомиллашди. Бу эса боқий маънавиятимиз ва бой адабиётимиз ривожида ўзига хос муҳим қадр-қимматга эга. Ҳали йиллар ўтади, асрлар ўтади, насиб этса, Зомин семинари улкан ижодкорларни кашф этажак!" дея сафарга бошлайди.

Йўл-йўлакай ҳам суҳбатлар қизийди. Яна бир гуруҳ ёш ижодкорлар таниқли шоир Ғайрат Мажид ва машҳур адиб, публицист Аҳмаджон Мелибоевни саволларга кўмиб ташлайди. Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир ва адабиётшунос Баҳодир Карим эса қарийб 28 йил орасида ўзбек адабиётида рўй берган жиддий ўзгаришлар таҳлили ва талқини хусусида ҳам семинар доирасида баҳс-мунозаралар бўлмоғини алоҳида таъкидлайди.

Ярим йўлга етганимизда карвонимиз иккига бўлиниши таклиф этилди: бир гуруҳ Жиззах шаҳрига ўзгача кўрк бағишлаб турган атоқли адиб, давлат арбоби Шароф Рашидов ва ўзбек адабиётининг улкан намояндалари Ҳамид Олимжон ва Зулфия ҳайкаллари пойига гул қўймоққа отланади. Иккинчи гуруҳ эса тўғри Зомин сари йўлга чиқади...

Хуллас, ёз чилласидан толиққан юраклар жаннатмонанд Зоминга қуёш қайтаётган маҳал етиб борамиз. Энг сўнгги русумдаги замонавий автобуслар карвони баҳаво тоғлар орасига юздан ошиқ оловқалб ёшларни элтади.

Ҳаяжонли дамлар бошланади. Аввал махсус безатилган майдончада анъанавий Зомин семинарининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Жиззах вилоят ҳокими Эргаш Солиев ва сўзга чиққан бошқа ижодкорлар ушбу тадбирнинг мамлакат маънавий ҳаётида нақадар катта ўринга эга эканига алоҳида урғу беришди.

Шом туша бошлагач, ажойиб мушоира бошланди. Даврани бошқарган шоир Нодир Жонузоқ ўртага халқимиз суйган шоир Абдували Қутбиддинни чорлайди. Ажиб ҳайратлару бой фалсафага тўла гўзал назмий оҳанглар Ўриклисойни титратиб юборади гўё. Ёшларни гўзал шоирнинг сирру синоатларга тўла шеърлари бирпас сеҳрлаб қўяди. Навбат Рустам Мусурмонга келганида ҳайқириқлар янграйди. Бахшиёна руҳ сел қилади қалбларни. Сўнг шоира Хосият Рустамова дилтортар шеърлари билан кўнгилларни хушнуд айлади...

"Ёшларга навбат берсак-чи", дейди давраби. Устозлар олдида юрак ютиб шеър ўқиш осон эмаслигини тушунганлар омон бўлсин-да. Хуллас, мушоирага яна Сирожиддин Саййид якун ясаркан, эртаси куни бўладиган маҳорат сабоқлари ва устозлар билан кечадиган ҳаяжонли гурунглар, савол-жавобларга ёшлар жиддий тайёргарлик кўришлари лозимлигини уқтириб қўяди...

Нимасини айтасиз, уч кун шамолдай ўтиб кетди. Таниқли шоир ва адиблар Эркин Аъзам, Азим Суюн, Назар Эшонқул, Энахон Сиддиқова, Абдуқаюм Йўлдош, Азиз Саид, Собир Ўнар, Зулфия Қуролбой қизи, Луқмон Бўрихон, Сирожиддин Рауф, Баҳодир Қобул, Абдурасул Жумақул... ва яна бошқа ўнлаб зукко адабиёт билимдонлари назарига тушиш, уларнинг холис баҳосини олиш, чин дилдан билдирган йўл-йўриқлари, ҳатто айтилган беғараз танбеҳ ва даккиларини эшитишнинг ўзи ҳам аслида бахт. Айниқса, адабиётшунос Нурбой Жабборнинг адабий жараён билан боғлиқ кузатувлари, ҳазрат Алишер Навоий бобомиз меросидан келтирган мисоллари кўпчиликни ҳайратга солди.

Дарвоқе, семинар ўз номи билан ёш ижодкорларни кашф этиш баробарида уларни катта адабиёт билан таништириш, адабий-бадиий саводхонлигини баҳолашда ҳам алоҳида аҳамиятга эга, десак янглишмаймиз.

Қувонарли жиҳати, бу йилги семинар иштирокчиларининг аксарияти олий ўқув юртлари талабалари эканлигидир. Негаки, назм ва наср, драматургия ва бадиий публицистика, адабиётшунослик, бадиий таржима бўйича иқтидорини намойиш этиш бу ҳазилакам иш эмас. Ҳаваскорлик бошқа, ижодга профессионал даражада ёндашиш бошқа-да.

"Мард ўғлон" давлат мукофоти соҳиби Сайфиддин Оконов, Салтанат Узоқова, Динора Умарқулова, Шаҳриёр Шавкат, Бибиробия Саидова, Мафтуна Муҳаммадаминова, Санжар Эшмуродов, Олтиной Ҳайитбоева, Моҳира Ҳабибуллаева, Салима Райимқулова... рўйхат ҳали давом этади. Очиғи, яна ўнлаб иқтидорли ижодкор ёшларнинг устозлар ҳукмига ҳавола қилган катта-кичик ишларини кўриб, кўнгиллар озгина бўлса-да таскин топди. Нега десангиз, бугунги ёшлар учун имкониятлар майдони ниҳоятда кенг. Фақат жиддий изланиш, интилиш керак. Давр эса тезкор ва шиддатли.

Семинарнинг энг ҳаяжонли лаҳзалари бошланди. Иштирокчиларнинг юраклари ҳаприқиб кетаётганини уларнинг юзларидан сезиш қийин эмас. Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Жиззах вилояти ҳокимлиги мутасаддилари семинар қатнашчилари ҳамда республикамиздаги ижод мактабларининг иқтидорли ўқувчиларига махсус сертификат ва қимматбаҳо совғаларни тантанали равишда топширдилар.

Анжуманнинг тугар маҳали ҳамманинг кўнглида битта савол турарди: хўш, ушбу хайрли тадбир якунида ким дил сўзини айтишга ҳақли? Сирожиддин Саййид яна шоирона топқирлик билан Жиззах фарзанди, атоқли шоир, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси Саъдулла Ҳакимга юзланди. "Зомин ўз номи, шаён-шавкати билан довруғ таратган замин. Қаранг, қадамимиз хайрли келгани шу-да, куни кеча жиззахлик ғаллакорлар ҳам бошқа вилоятлар қаторида шартнома режасини ошириб бажарибди. Демак, буғдой нони мўл бўлган юртда буғдой сўзимиз ҳам жарангдор бўлади. Зоминга дуо кетган, деган халқона ибора бежиз кўп айтилмайди. Илоҳим, юртимизга кўз тегмасин, ёшларимизнинг йўллари ҳамиша ойдин бўлсин!"

Ана шундай ёруғ, фарахбахш ният ва тилаклар ҳаммамизга йўлдош бўлсин!

Норқобил ЖАЛИЛ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,
Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Суратларни Аҳмад ТЎРА олган.

Бошқаларга яхшилик қилолмаслик - бахтсизлик

Дилором КАРИМОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими

"Дилором Каримованинг китоб хотимасида айттан бир гапига қойил қолдим. У ёзади: "Отамдан менга мерос бўлиб дард қолди!". Дунё адабиётида бундай гап айтилганми-йўқми билмадим, лекин мен учратмаганман. Бу дард шунақанги дардки, унда бутун бир халқнинг, асрнинг дарди мужассам... "Пўртана" китоби мен учун кутилмаган фавқулотда адабий-бадиий ҳодиса бўлди", дейди адабиётшунос Иброҳим Ғафуров.

Дилором Каримова! У қисмат юкининг залворини ҳис қилиш билан бирга, ўзга тақдирлар олдидаги масъулиятини ҳам бир зум бўлса-да, унута олмайди. Айни дамда ҳаётнинг зиддиятларию жамиятнинг шовқин-суронларига қарамасдан ўз руҳий оламидаги ички ҳурликни амал-тақал қилиб бўлса-да, асраб келаётган ўта камёб ШАХС. Бу Аёл фитратида Исён ва Таскин ажиб бир нуқтада кесишган. Машҳур актриса, иқтидорли режиссёрнинг инсоний ва ижодий қисмати ҳам мана шу чиғириқдан ўтди. Ва ўтаяпти ҳам...

***

Ҳаётимни буткул театрга бағишлаш орзусида бўлганман. Оила қургач, масъулият кучайди. Болаларим, эрим, қайнота-қайнонам олдидаги бурч бўйнимга тушди. Буни бажармаслик инсонийликка зид эди. Хуллас, икки бойга бир малай ролини ўйнадим. Албатта, бу куйди-пишдилар халал беради, истаганингдек, санъатга ўзингни бахшида этолмайсан. Тўғри, болаларим қаровсиз қолмади, хўжайиним юпун кийимда юрмади, қайнотага қараган келин деган дуо олдим. Умрнинг жуда кўп қисми борди-келди, бор товоғим-кел товоғимга совурилиб кетди. Бундан ҳам руҳан, ҳам жисмонан қаттиқ чарчардим. Толиқиш ва асабларим бадалига шу бурчни адо этдим. Бундан завол топган санъатим бўлди.

***

Журналистдан қачон ранжимайман? Қачонки, унинг саволи фикрга йўғрилган бўлса, мени ўйлашга ундаса. Баъзан уларнинг гапи умуман фикрлатмайди. Нима деб жавоб беришни билмай қоласан. Масалан, "санъатда бахтингизни топдингизми", ёки "бахт нима", дейишадими-ей... Шунга ўхшаш сийқаси чиққан саволлар беришади. Фикр уйғотадиган ҳар қандай савол, мени ранжитмайди, гарчи танқидий руҳда бўлса ҳам...

***

Машҳур асарларнинг тарихи билан қизиқсангиз, баҳаво айвонларда, гулу гулзорлар қўйнида, булбул хониш этиб турган маҳалда, илҳом парилари қуршовида ёзилмаган. Николай Островский романини ўлим тўшагида ёзган, Ойбек домла бошида ойболта ялтираб турган маҳалда, ўттиз еттинчи йилда "Қутлуғ қон"ни, уруш йиллари, оч қоринда "Навоий" романини ёзган. Яна Шукшинни кўп эслайман, каталақдек уйда яшаган. Дурдона ҳикояларини ҳамма ухлаганда ошхонага чиқиб ёзган. Кундузи роль ўйнайди, фильм сценарийларини ўйлайди, тунда кичкина одамларнинг катта ғамларини яшайди. Хуллас, ташқи бесаранжомлик, ички беҳаловатликка таъсир қилолмайди.

***

Шукронаю мадҳлар билан ҳаёт ҳақиқатини кўрсатиб бўлмайди. Қолаверса, отажоним ундоғ эди, онагинам мундоғ эди, мен шундай зотларнинг фарзандиман, бахтиёрлигимдан ёрилиб кетаман, қабилида асар ёзишга уриниш театрда ишлаган, драматургия билан таниш одам учун гуноҳ бўларди. Мени ҳайрон қолдирарди, совет киносидаги қаҳрамонлардан битта гард тополмасдингиз. Қадди-бастию юз тузилиши тўппа-тўғри. Бурни қийшиқ бўлмаслиги қонун эди. Кейинчалик чет эл фильмларини кўра бошлаганимда, Наполеон ва Елизаветалар менга кўпроқ таъсир қилди, дардларини ўзимники деб билдим. Уларнинг ҳаёти бутун нуқсонлари билан очиб берилган. Камчиликлар билан муваффақият битта нотада кўрсатилгандагина инсон нима учун ҳалокатга учрагани чиқиб келади. Отам ҳам бекордан бекор бу ҳалокатга қараб кетмадилар. У кишини ўз танлаган йўли шу оқибатга олиб борди. Жамият билан муроса қилолмай, қийинчиликлар исканжасида ичкиликка берилиб, тушкунликка тушиб қолдилар, булар ҳам оиладаги мўътадил иқлимнинг бузилишига олиб келди. Чунки ҳалол ойлик билан турмушни тебратиш ҳамма даврда қийин кечган. Бошқача бўлолмасдилар. Менинг мақсадим отамни оппоққина, кўркамгина, лўппигина намуна қилиб кўрсатиш эмас, у киши чеккан изтироб илдизини излаш эди.

***

Сукут сақлаш қачон мардлик бўлиши мумкин? Шундай даврлар бўладики, тақдир инсонни қалтис вазиятларга ташлаб қўяди, сохта мулозаматлар орқалигина ўтаётган кунларинг учун товон тўлайсан. Агар шу гапни гапирмасанг, сенга жамиятда омманинг ҳаваси келадиган ўрин йўқ.

Шахс ўзлигини ёлғонлардан асраш илинжида ҳам сукутга кетади. Табиийки, тўғрисини айтолмайсанми, ҳечқурса жим тур. Дунёдаги энг катта қаҳрамонлик ўзлигингни сақлаш, яъни ўзингни, туйғуларингни алдамасдан яшаш.

***

Фаррош ҳам ижодкор бўлиши мумкин, агар қилаётган ишига меҳрини бериб, сиз учун кайфият ярата олса. Ижод бу – яратиш. Айтайлик, ижодкор хаёл суриб турган қизда ғамни, ёлғизликни кўради. Бошқалар учун бу шунчаки ҳол бўлиши мумкин. Ёзувчи ва рассомларнинг омади шундаки, улар ўз асарлари, қаҳрамонларини мустақил дунёга келтира олади. Актёр-чи? Шунинг учун ҳам бу қисмат эгаларининг орасидан ичкиликка берилган, тақдири издан чиққан, руҳий касалликка чалинишга мойиллар нисбатан кўп учрайди. Айтадиган гапи, дардлари кўп... ҳатто одамларга муҳаббатини ҳам изҳор қилишининг имкони йўқ. Ички ёлғизлик актёрни емириб ташлайди. Уни туғилмасдан қолган "фарзанд"лари ўлдиради.

***

Нега цивилизация даврида даҳолар чиқмайди? Бу табиий. Ҳозир бола туғилишиданоқ унга информация берилади: "бу тўғри, бу нотўғри". У бечорага ўзининг ҳақиқатини излаш учун имкон йўқ. Бировларнинг мулоҳазаси билан яшайди, ўзи бош қотириши учун эса эҳтиёж ҳам сезмайди. Аввалларги маълум бир адабиётшуноснинг хулосалари баён этилган ўқув қўлланмалар, сўнгра радио-телевидение, айни дамда компьютер... ташқи томондан келувчи фикр тазйиқида ҳеч кимга ўхшамаслик, яъни ўзига хослик йўқолиб кетяпти. Қолаверса, истеъдодни ўз еридан ажратиб бўлмайди. Олдин тўлалигича ўзбек бўлиб олишинг керак. Йўқса, "миллий ҳид"ни бир умр англолмай ўтиб кетасиз.

***

Онам фарзандларини ғалати бир ёввойи муҳаббат билан севарди. Бу севги бизни азоблади. Врач бўлганлари учунми, у киши учун дунё микробдан иборат эди. Бизни эса ўзларича ҳамиша мана шу ёвуз душмандан ҳимоя қилардилар. Биласиз, бизнинг даврримизда пахта сиёсат даражасига кўтарилган. Бўйин товлаш мутлақ мумкин эмас. Мактабда-ку минг бир томошалар билан пахтадан қолардим. Шундай дамларда ўзимни қаёққа қўйишни, атрофдагиларга нима деб тушунтиришни билмасдим. Барибир айтганларини қилдирардилар. Институтга кирдим. Яна пахта мавсуми бошланди. Онам: "Менинг қизим сил", деганча машинанинг олдини тўсиб олганлар. Мени кўнглим қанчалик вайрон бўлса, атрофдагилар шунчалик ҳайрон. Шундай дамда менга фақат домлам Нина Ивановнанинг гапи далда бўлди: "Диля, у ОНА, сен уни кейин тушунасан!". Гўёки мен шармандаликдан қутулгандай эдим. Домлалар ойимни бир амаллаб кўндирди. Машина йўлга отланяпти. Ўшанда ойим томонга қарасам, у киши қизларини пахтага эмас, урушга жўнатяптилар. Хавотир тўла нигоҳлари ёшга ғарқ бўлган.... мен билан видолашаётгандек... Йиллар онамнинг оғриғини менга кўчирди. Ўша ўз вақтида малол келган онам муҳаббати бугун менга етмаяпти.

MUASSIS: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI – O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI
XXI
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA
HAFTALIK NASHR

Бош муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ

Таҳрир ҳайъати:
Актам ХАИТОВ, Адҳам ШОДМОНОВ, Бахтиёр ЯКУБОВ, Тўлқин ЭШНАЗАРОВ, Алишер СУЛТОНОВ, Виктор ПАК, Мавлуда ХЎЖАЕВА, Насимжон АЛИМОВ, Сирожиддин САЙЙИД, Аслиддин АЛМАРДОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари)

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри Нукус кўчаси 73^А-уй.
электрон почта: xxi_asr@umail.uz
Телефонлар: қабулхона – 71 215-63-80 (тел./факс). Котибият – 71 281-40-17 Обуна ва реклама бўлими – 71 215-60-45, 71 255-68-50

"XXI asr" ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди.
Ҳажми – 4 босма табоқ.
Буюртма рақами: Г – 758 Тираж: 4857
Баҳоси келишилган нархда.
ЎзА якуни – 00:15
Топширилди – 00:45

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.
© "XXI asr"дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда дизайнер Маъруфжон Раҳмонов томонидан саҳифаланди.

ISSN 2181-497X
9 772181 497009
НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
12 456
Навбатчи муҳаррирлар: Беҳзод ИСРОИЛОВ, Элбек ШОЙИМҚУЛОВ.